Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 97 (6. 796) ◉ 1989 йил 26 апрель, чоршанба ◉ Баҳоси 3 тийин

1 Май шарафига

Коммунистлар! XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг новаторлик ғояларини конкрет ишларда амалга оширингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Тошкент абразив комбинатининг кўпгина илғор ишчилари муносиб меҳнат ютуқларига эришмоқдалар. Халқаро бирдамлик кунини юқори иш самарадорлигига эришиб кутиб олиш уларнинг азалий одати. Ўнлаб ишчилар маҳсулот ишлаб чиқаришда унинг сифатига ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу борада техник назоратчиларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Алие Одилова ана шундай жонкуяр назоратчилардан. Унинг ҳар бир буюмни стандарт талаблари даражасида бўлишини қаттиқ талаб қилиши маҳсулот сифатининг ошишига таъсир этяпти.

СУРАТДА: А. Одилова.

Т. Каримов фотоси.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1989 йил 25 апрель куни КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум КПСС Марказий Комитети фаолиятининг баъзи ташкилий масалаларини кўриб чиқди. Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Ўртоқ М. С. Горбачев ҳозир пенсияда бўлган КПСС Марказий Комитети аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг аъзоларидан бир группаси партиянинг сайлаб қўйилган марказий органларидаги ўз ваколатларини соқит қилиш тўғрисидаги илтимос билан КПСС Марказий Комитетига ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясига мурожаат этишганини маълум қилди (мурожаатнома матбуотда эълон қилинмоқда).

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ва Марказий Ревизия комиссияси ўз ваколатларини соқит этиш тўғрисида мурожаатнома ёзган КПСС Марказий Комитети аъзолари, Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, Марказий Ревизия Комиссияси аъзоларининг илтимосини қондирди. Ўртоқ М. С. Горбачев ўртоқларнинг партия сайлаб қўйилган органларидаги иши учун уларга катта миннатдорлик изҳор этди ва эзгу ниятлар билдирди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети аъзоси, шахсий пенсионер С. А. Афанасьев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, шахсий пенсионер А. П. Ночевкин, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, шахсий пенсионер Г. А. Жуков, КПСС Марказий Комитети аъзоси, шахсий пенсионер А. П. Ляшко, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Владимир область комитетининг биринчи секретари Р. С. Бобовиков, КПСС Марказий Комитети аъзоси, шахсий пенсионер Е. Ф. Муравьев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, Иркутск область Коршуновск кон-бойитиш комбинатининг экскаватор машинисти А. П. Мясников, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Фанлар академияси президиумининг маслаҳатчиси П. Н. Федосеев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, шахсий пенсионер Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, И. В. Курчатов номидаги атом энергияси институтининг фахрий директори А. П. Александров, КПСС Марказий Комитети аъзоси, халқ депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг ранси В. Т. Сайкин, КПСС Марказий Комитети аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари И. К. Полозков, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Волгоград область комитетининг биринчи секретари В. И. Калашников, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.—Р. Х. Визиров, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг ранси А. Н. Аксенов, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Кемерово область комитетининг биринчи секретари А. Г. Мельников, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, КПСС Коми область комитетининг биринчи секретари В. И. Мельников сўзга чиқдилар.

Пленум КПСС Куйбишев область комитетининг биринчи секретари В. Г. Афонин, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. А. Бабенко, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти Е. П. Велихов, Белоруссия Компартияси Витебск область комитетининг биринчи секретари В. В. Григорьев, Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. А. Ивашко, Тула шаҳридаги «Арсенал» заводи радиомонтажчиси В. А. Қосимова, СССР-нинг Германия Федератив Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ю. А. Квицинский, Ўзбекистон ССРдаги «Малик» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи Т. Б. Қиргизбоева, «Красноярскуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Назаровский» разрези экскаватор машинисти С. В. Клейко, Воронеждаги «Электроника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси асбобсоз слесарлари бригадири А. Е. Колбешкин, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг ранси В. А. Коптюг, Удмуртия АССРдаги Д. Ф. Устинов номли «Ижмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Ю. И. Лобов, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари П. К. Лучинский, Украина ССР Министрлар Советининг ранси В. А. Масол, Владивостокдаги уйсозлик комбинати сувоқчи-бўёқчилар бригадири Г. В. Меркулов, В. И. Ленин номидаги Тбилиси электровозсозлик заводи электр монтажчилари бригадири Г. А. Метоиидзе, СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг ранси М. Ф. Ненашев, генерал-полковник В. В. Осипов, Ленинград область «Детскосельский» совхози сабзавоткорлар бригадири В. Р. Паршина, Орёл областидаги партия XVII съезди номли давлат наслчилик заводининг директори И. А. Пентюхов, СССР Фанлар академияси Жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институти директори Е. М. Примаков, В. И. Ленин номидаги Магнитогорск металлургия комбинатининг бош директори И. Х. Ромазан, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлимининг мудири В. М. Фалин, СССР Фанлар академияси вице-президенти К. В. Фролов ўртоқларни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан аъзоликка ўтказди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади (музокаралардаги нутқлар ва якунловчи нутқ матбуотда эълон қилинади).

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини якунлади.

◉

(КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 25 апрель Пленумидаги доклади бугун тонгги газеталарда эълон қилинган).

20 кун илгари

◉ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Куйбишев районидаги кенжа «Ирригатор» массивида қад кўтарган 40 квартирали бино фойдаланишга топширилди.

Бу объектни «Ташгорстрой» бирлашмасига қарашли 40-пардозлаш-қурилиш бошқармасининг бинокорлари муддатидан 20 кун илгари топширдилар.

Д. ОБЛАЕВ.

Байрам дастурхонига

◉ ҚУТЛУҒ айёмни Тошкент булка-кондитер комбинати коллективи меҳнатда юксак ютуқлар билан кутиб олмоқда. Тўрт ойлик планда белгиланган 14 миллион 560 минг сўмлик ўрнига 15 миллион 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аҳоли талаби катта бўлган макарон, булка ва кондитер маҳсулотлари кўплаб тайёрланди.

Май байрами дастурхони тўкин бўлиши учун ширинпазлар пухта режалар тузиб олишди. Шаҳар савдо расталарига байрамолди ва байрам кунларида сотиш учун 20 хилдан ортиқ кондитер ва 10 хил қандолатчилик маҳсулотлари жўнатилади. Улар орасида асрлар бўйи дастурхон безаги бўлиб келаётган шарқ ширинликлари ҳам кенг ўрин олади.

Мавсумбоп пойабзаллар

◉ БАҲОР байрами арафасида шаҳримиздаги оёқ кийимлар дўконларининг расталаридан ёзги пойабзаллар жой олди. 1-пойабзал фабрикасида тайёрланган бу маҳсулотлар пишиқлиги, бежиримлиги билан ажралиб турибди. Эркаклар ва аёлларнинг енгил, замонавий туфли ва сандалетлари конвейерларда асосий маҳсулот бўлиб турибди. Кичкинтойлар учун эса уч турда янги оёқ кийими тикиляпти.

С. ШАМСИДДИНОВ.

МОСКВАДАГИ УЧРАШУВЛАР

Ҳозир Москвадаги 30 дан ортиқ олий ўқув юртида, СССР Фанлар академияси институтларининг аспирантураси, ординатураси, докторантурасида, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясида, Москва Олий партия мактабида, комсомол Марказий Комитети ҳузуридаги Олий комсомол мактабида Ўзбекистоннинг бир ярим минг вакили ўқимоқда. Улар яқин орада республикамизга чуқур профессионал тайёргарликдан ўтган, ғоявий-сиёсий етук, ташкилотчилик, бошқарув фаолияти кўникмаларини ҳосил қилган юксак малакали мутахассислар сифатида қайтиб келадилар ва қайта қуриш ишига фаол қўшиладилар.

Ватанимиз пойтахти корхоналарида Ўзбекистондан борган 2,5 мингдан ортиқ йигит ва қиз — илмий техника тараққиётининг бориши ва йўналишини белгилаб берадиган етакчи машинасозлик ва кўплаб оммавий ишчи касбларининг вакиллари меҳнат таълими олмоқдалар.

24 апрель куни СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССР Доимий ваколатхонасида, Лихачев номли ва Ленин комсомоли номли автозаводларда, «1-давлат подшипник заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Ломоносов номли Москва давлат университетида, Ленин номли Москва давлат педагогика институтида республика ва областлар раҳбарларининг Москвада таълим олаётган ва ишлаётган республика вакиллари билан учрашувлари бўлди. Бу учрашувларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, республика Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар В. П. Анишчев, М. М. Мирқосимов, Қ. С. Саликов, А. С. Ефимов, область партия комитетларининг биринчи секретарлари: Андижондан — М. М. Орифжонов, Бухородан — Д. С. Ёдгоров, Қашқадарёдан — И. А. Каримов, Намангандан — Б. Алламуродов, Самарқанддан — А. С. Икромов, Сурхондарёдан — С. М. Мамарасулов, Сирдарёдан — А. Ф. Клепиков, Фарғонадан — Ш. М. Йўлдошев, Хоразмдан — Р. М. Ҳудойберганова, шунингдек халқ таълими министри М. А. Зоидов, Ўзбекистон ССР табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси Т. А. Алимов қатнашдилар.

Учрашувларда республикада қайта қуришнинг бориши, КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ҳамда КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорлари қандай бажарилаётганлиги ҳақида, Ўзбекистон ССР-ни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг ўн учинчи беш йилликка мўлжалланган Программаси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси қандай бораётганлиги, тил ва маданият муаммолари, республикада сусткашлик, турғунлик ва консерватизм қандай бартараф этилаётганлиги, демократия қандай чуқурлашаётганлиги ва ошкоралик қандай кенгайиб бораётганлиги ҳақида батафсил суҳбат бўлди. Кўпдан-кўп саволларга батафсил жавоблар берилди.

Жамият турмуши барча соҳаларининг янгиланиши рассомдан ўз гражданлик позициясини, ўзининг қайта қуришдаги ўрнини аниқ белгилаб олишни талаб этади. Рассомнинг маънавий бурчи — инсонпарварлик идеалларини қарор топтириш, асарларда ҳозирги давр революцион жараёнларини ҳалол ва ҳаққоний акс эттиришдан иборат. Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг мазкур ижодий ташкилотнинг 50 йиллигига бағишланиб 25 апрель куни бўлиб ўтган пленумида ана шу ҳақда гапирилди.

Кинематографчилар уйига мўйқалам ва кески усталари, санъатшунослар, Ўзбекистон ижодий союзлари, маданият муассасаларининг вакиллари билан бирга Москвадан, қардош иттифоқдош республикалардан меҳмонлар келишди.

Пленумда Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг раиси Б. Жалолов доклад қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби М. Ҳ. Холмуҳамедов тасвирий санъат вакилларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети номидан табриклади.

Ташкилот ярим асрлик тарихи саҳифаларида Совет Ўзбекистони тасвирий санъатининг ривожланиши ва қарор топиши мураккаб жараёнини акс эттирувчи воқеалар ва ишлар ўз ифодасини топган, деб таъкидланди пленумда. Унга дастлабки миллий кадрларни тайёрлашга жуда катта ҳисса қўшган А. Волков, Л. Бурэ, И. Казаков, А. Николаев, С. Юдин, М. Курзин, Н. Розанов, П. Беньков, В. Уфимцев, О. Татевосян, В. Рождественский каби ажойиб рассомлар асос солишган. Турли ижодий позициялар ва интилишлар соҳиби бўлган бу рассомлар ўзбек халқининг маданий мероси ва тақдирига чуқур ҳурматэҳтиром билан муносабатда бўлганлар. Уларнинг истеъдодли ва меҳнатсеварлиги, кундалик ёрдами туфайли миллий тасвирий санъат усталари ва график рассомларнинг бутун бир авлоди вояга етди. Улар орасида А. Сиддиқий, Б. Ҳамдамий, И. Икромов, Ў. Тансиқбоев, Ш. Ҳасанова, А. Абдуллаев, Р. Темуров бор. СССР Рассомлар академиясининг Ленинграддаги Репин номли институтини тамомлаган Р. Аҳмедов, Н. Қўзибоев, М. Саидов, Т. Оганесов, Г. Улько, В. Зеликов, Ю. Елизаров ана шу устозлардан эстафетани олдилар.

1960 йилда Тошкент театр ва рассомлик санъати институти ҳузуридаги рассомлик факультетини дастлабки талабалар тамомлади. Ижодкор ёшлар тажрибали усталарнинг энг яхши анъаналарини давом эттирмоқдалар ва айни вақтда санъатда ўзларига хос йўл изламоқдалар.

Ташкилот юбилейи совет жамияти революцион ўзгаришлар жараёнини бошидан кечираётган ғоят масъулиятли даврда нишонланаётганлиги унга алоҳида файз бахш этмоқда. Санъатнинг ўзи ижобий янгиланиш ғоялари билан, ҳар қандай тақиқларга барҳам бериш муддаоси билан йўғрилган. Ўзбекистон санъаткор зиёлиларининг вакиллари давр билан баб-баравар қадам ташлашга интилмоқдалар. Мавзулар, услубий изланишларнинг хилма-хиллиги, дадил экспериментлар — буларнинг ҳаммаси тобора кўпроқ томошабинларни ўзига жалб этиб, жамоатчилик орасида қизиқиш уйғотмоқда.

Пленум қатнашчилари бадиий ижодининг ҳозирги аҳволини батафсил таҳлил этиб, кўргазма фаолияти, Ўзбекистон тасвирий санъатини тарғиб қилиш, ёшларни эстетик руҳда тарбиялаш, рассомларнинг турмуш шароитини яхшилаш муаммоларига тўхталдилар.

Ўзбекистон ССР маданият министри Ў. Р. Умарбеков рассомларни юбилей билан табриклаб, бир гуруҳ рассомлар министрлик ва маданият ходимлари касаба союзи республика комитетининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланганини маълум қилди. Пленумда қардош республикалар ижодий ташкилотларининг, Ўзбекистон Кинематографчилар, композиторлар, архитекторлар союзларининг, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Рассомлар союзи 50 ёшда

Журналистларнинг муҳим вазифалари

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

25 апрель куни Тошкентда бўлган кенгашда республика оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида гап борди. Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси А. Ғ. Мухторов доклад қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология бўлимининг мудири Ш. С. Зиёмов кенгаш қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари — область партия комитетлари идеология бўлимларининг мудирлари, республика ва область газеталарининг редакторлари, телевидение ва радиокомитетларининг раислари оммавий ахборот воситаларининг шу йилнинг ўтган давридаги ишини таҳлил қилдилар, фикрлашдилар, КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленумининг қарорларини амалга оширишга доир вазифаларни белгилаб олдилар.

(ЎзТАГ).

Партиянинг ташаббуси билан мамлакатимизда бошланган сиёсий ислоҳотни амалга ошириш ҳуқуқий социалистик давлат барпо этилишини назарда тутади. Шундай давлатнинг тузилиши ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида қонунчилик принципи изчиллик билан рўёбга чиқарилишини билдиради. Ваҳолонки, биздаги мавжуд қонунлар жуда номукаммал бўлиб, улар ҳамма томондан турли идоравий инструкциялар ва қоидалар билан деярли кўмиб ташланган, ана шу инструкция ва қоидалар баъзида қонунга қараганда кўпроқ кучга эга деса бўлади. Айни шу боисдан ҳозир қонун актларининг етмиштадан кўпроқ лойиҳасини тайёрлаш устида қизғин иш олиб борилмоқда.

25 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган матбуот конференциясида, жумладан, шу нарса маълум қилинди. Матбуот конференциясида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари республика оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашдилар.

Матбуот конференциясини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети давлат-ҳуқуқ бўлимининг мудири В. Д. Великанов очди.

Ўзбекистон ССР юстиция министри Б. Ғ. Олимжонов, республика прокурори Д. А. Усатов, ички ишлар министри У. С. Раҳимов, Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А. В. Добронравов, республика Бош давлат арбитри Р. А. Хачатуров журналистлар ҳузурида ахборот бердилар.

Республикада жиноятчилик камайиши бир ёқда турсин, балки ўсиб бораётганлиги факти ҳозир бўлган барча кишиларда ташвиш уйғотди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари ҳуқуқни бузишга қарши курашда сарфланаётган куч-ғайратлар тўғрисида муфассал сўзлаб бердилар, журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

(ЎзТАГ).

СССР халқ депутатлари сайловлари

ҚОНУН БУЗИЛГАНИ ЙЎҚ

15 апрелдан сўнг «Оқшом» редакциясида телефон қўнғироқлари жиринглаб: айрим тошкентликлар 117-Тошкент—Октябрь миллий территориал округининг округ сайловолди йиғилиши нотўғри ўтказилган эмиш, деган миш-мишлар юрибди, деб хабар қилишди.

Бундай қўнғироқлар ҳали ҳам давом этаётганлиги сабабли редакция округ сайлов комиссиясининг раиси А. Ж Миржаловрга мурожаат этиб, ана шу ҳақда ўз фикрини билдиришни сўради.

— Бу миш-мишлар ҳеч қандай асосга эга эмас, — деди Адҳам Жалилович. — Бундай даъволарни илгари суриш учун аниқ фактларга эмас, ҳис-ҳаяжонга асослариш керак.

— Келинг, биз ҳам фактларга мурожаат қилайлик. Йиғилишда нима бўлди ўзи?

— Бу саволга жавоб бериш учун йиғилиш арафасидаги ишлар ҳақида тўхталишга тўғри келади. 13 апраль куни СССР халқ депутатлигига номзодларни кўрсатиш ниҳоясига етди. 13 ва 14 апрель кунлари меҳнат коллективларидаги ва аҳоли истиқомат жойларидаги йиғилишларда округ сайлов олди йиғилишига вакиллар сайланди. Округ сайловолди йиғилиши 15 апрель куни бўлиши керак эди. Икки кун ичида 170 дан зиёд коллективларда номзодлар кўрсатиш бўйича бўлиб ўтган йиғилишларнинг протоколларини кўриб чиқиш, текшириш лозим эди. Протоколлар йиғилиш арафаси куни соат 24.00 гача келиб турди...

— Округ сайлов комиссияси вақт тиғизлигини сезган бўлса керак. Шу сабабли хатоларга йўл қўйилмадими?

— Ҳа, вақтимиз чиндан ҳам оз эди. Протоколларни кўриб чиқиш ва текширишдан ташқари биз таклиф билетларини, овоз бериш учун гувоҳномаларни тайёрлашимиз, номзодларнинг таржимаи ҳолини кўпайтиришимиз, йиғилиш ўтказиладиган бинони тайёрлашимиз керак эди. Шунга қарамай, биз протоколларни ниҳоятда синчиклаб текширдик. Уларнинг айримларида чалкашликлар топилди, бу протоколлар қайси коллективдан олинган бўлса ўша коллективларга қайтарилди.

— Редакцияга мурожаат этганларнинг аксарияти бир неча вакиллар бевосита залнинг ўзида овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилинди, дейишяпти...

— Чиндан ҳам шундай ҳол бўлди. Бу ҳолни изоҳлашга тўғри келади. Илгари айтиб ўтганимдек, йиғилиш арафасида протоколлар ярим кечагача келиб турди. Уларнинг айримлари округ сайлов комиссияси аъзоларида шубҳа уйғотди. Ўзаро масалаҳатлашиб биз бу масалани йиғилишга олиб чиқишга қарор қилдик. Масалани йиғилиш қатнашчиларининг ўзи ҳал қилсин, дедик. Бундай протоколлар учта эди: биттаси — 43-ўрта ҳунартехника билим юрти коллективидан, иккитаси — ташаббускор группалардан. Улар нима сабабдан шубҳа уйғотди? Сабаби, ҳунар-техника билим юртида округ сайловолди йиғилишига аввал бир вакилни кўрсатишибди, кейин бошқа вакилни кўрсатиб, протоколни қайта расмийлаштиришибди. Ташаббускор группаларга келганда шуни айтиш керакки, СССР халқ депутатлари сайловлари тўғрисидаги СССР Қонунининг 38-моддасида меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари органлари, сайловчиларнинг турар жойлари бўйича йиғилишлари делегат қилиб сайлаган вакиллар округ сайловолди йиғилишининг қатнашчилари бўлиши мумкин, дейилади. Мазкур ташаббускор группаларни меҳнат коллективлари деб бўлмайди. Ҳеч қандай жамоатчи ташкилоти вакил кўрсатишни уларга ишониб топширган ҳам эмас.

Мазкур уч вакил ваколатларини йиғилиш қатнашчиларининг мутлақ кўпчилиги тан олмади. Айтмоқчи, уларнинг залда қолишларига рухсат берилди.

— Адҳам Жалилович, округ сайлов комиссияси аъзоларига эътирозлар билдиридими?

— Йиғилишдан сўнг на халқ депутатлигига номзодлардан, на йиғилиш қатнашчиларидан, шу жумладан юқорида биз айтиб ўтган уч ўртоқдан ҳам, ўз вакилларини йўллаган коллективлардан ҳам комиссия шаънига ҳеч қандай эътироз ёки мурожаат бўлгани йўқ.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, округ сайлов комиссияси аъзолари йиғилишни тайёрлаб, уни ташкил этиб, сайловлар ҳақидаги қонун бузилмаслигини кузатиб бордилар, холос. Бошқа таклиф этилганлар қатори биз ҳам овоз бериш ҳуқуқига эга эмас эдик. Кўриб турибсизки, ҳамма нарсани йиғилишнинг ўзи ҳал қилди. СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонунга келганда, Қонун бузилгани йўқ.

Провардида имконнятдан фойдаланиб, бир неча ойдан бери жамоатчилик асосида катта ишларни олиб бораётган участка сайлов комиссияларининг аъзоларига миннатдорчилигимни билдиришни истардим. Аминманки, улар якунловчи босқични ҳам «аъло» даражада ўтказадилар. Округ сайловчиларини ўз гражданлик бурчларини бажаришга масъулият ва манфаатдорлик билан ёндошишга, 14 май куни уларнинг фикрига кўра депутат бўлганидан сўнг сайловчилар манфаатини мамлакат олий органида муносиб ҳимоя қила оладиган кишилар учун овоз беришга даъват этмоқчиман.

Интервьюни **С. АЛЕКСЕЕВ** ёзиб олди

Давлат қабули—сифат кафолати

Масъулиятсизлик оқибатлари

САНОАТ корхоналаримизнинг давлат қабулига ўтиб ишлаётганларига ҳам икки йилдан ошди. Дастлаб республикамиз саноат корхоналаридан 33 таси, кейинчалик яна 12 корхона, ҳозирги кунга келиб, жами 50 дан зиёд корхона ва бирлашма ўз маҳсулотларини давлат қабулига топширмоқдалар.

Давлат қабули корхона қарамоғидан четда бўлиб, у бириктирилган корхонанинг барча ташкилий ишларидан тортиб то маҳсулот тайёрлаб бўлгунга қадар ўз таъсирини ўтказа олади. Бу эса улардан катта масъулият талаб қилади. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилаётган барча иллатларнинг олдини олиш, корхонани қайта реконструкция қилиш, замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, ишчилар ташаббусини кучайтириш, брак маҳсулот чиқиб кетмаслигига оғоқ бўлиш каби ишлар унинг зиммасига юклатилган. Ишни шу тартибда йўлга қўйган корхонадагина меҳнат унумдорлиги ошмоқда, сифат яхшиланмоқда.

Жумладан, шаҳримиздаги «Компрессор», «Средазкабель», «Ташсельмаш» каби корхоналар маҳсулотларининг 70—80 процентдан ортиқроғини давлат қабулига биринчи тақдимда топширмоқдалар. Бундай саноат корхоналарининг маҳсулотлари ҳар жиҳатдан пухта, қулай ва узоқ муддатга чидамлилиги билан бошқалардан фарқ қилади. Тошкент-тажриба механика заводида ишлаб чиқарилаётган кенг истеъмол буюмларига Ватанимиздан ташқарида ҳам талаб ортиб бормоқда. Афсуски, бундай корхоналар бармоқ билан санарли даражада. Давлат қабулига ўтиб ишлаётган бир қатор корхоналар борки, ҳанузгача маҳсулот сифатини яхшилаш борасида дурустроқ натижага эришолмаяптилар.

Республика стандартлар бошқармаси ходимлари томонидан 1738 корхонанинг маҳсулоти норматив-техник шартларга кўра текширилди. Асосан комплект қурилмалар, изолятор, вентилятор, минерал ўғит, пахта толаси, панель, темир-бетон плиталар, ғишт, оҳак, мебель, чой сортлари, пахта ёғлари, сок ва ичимликлар, консерва ва қишлоқ хўжалик техникасининг сақланиш ҳоллари кўриб чиқилди.

Текшириш натижасида 1179 корхонада стандарт ва метрология талаблари бузилганлиги аниқланди. Техник шартлар бузилганлиги сабабли 1173 ҳолатда маҳсулот чиқариш тўхтатиб қўйилди.

Республикамиздаги корхоналардан 31 тасида эса назоратнинг янги формаси — интенсив назорат йўлга қўйилди. Ишчи аттестациялари ҳам сифатни яхшилашга хизмат қиляпти. Нуқсонсиз ишлайдиган техник назорат ходимлари рағбатлантириляпти. Масалан, ҳеч нуқсонсиз бажарилган иш учун қўшимча ҳақ тўлаш каби қизиқтирувчи ишлар олиб борилиб, маҳсулот сифатида сезиларли даражада ўзгариш юз беряпти.

Кейинги пайтларда корхона комплекс назорат қилина бошланди. Тошкент қурилиш материаллари комбинатида, Қибрайдаги салқин ичимликлар комбинатида ишлар қониқарли деб топилмади. Бир қатор ускуналар, қурилмалар янгиланиши лозим эканлиги аниқланди.

Республикамиздаги 68 корхонанинг 273 номдаги маҳсулоти Давлат сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда. Давлат сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи «Ташэлектромаш» заводида 86,6, «Компрессор» заводида 83,6 процентни ташкил этмоқда. Жавобгарлик ҳисси маҳсулотнинг сифатини яхшилашга сабаб бўлди, албатта. Натижада кейинги йилларда маҳсулот сифатига келиб тушаётган шикоятлар камаймоқда. Ўтган йили 2,9 миллиард сўмлик, яъни ҳамма маҳсулотнинг 99,5 процента давлат қабулига топширилгани, шуни кўрсатиб турибди. Биринчи тақдимда 92,5 процент, яъни 205,1 миллион сўмлик маҳсулот топширилди. Аммо 3850,8 минг сўмлик маҳсулот иккинчи тақдимда ҳам ўтмади. 1629,7 минг сўмлик маҳсулот умуман брак қилинди. Бу эса шунча маҳсулот истеъмолчига етказиб берилмади, демакдир. Маҳсулотни давлат қабулига биринчи тақдимда топшириш салмоғи «Ташсельмаш», агрегат, трактор ҳамда «Подшипник», «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси каби корхоналарда ҳам анча паст даражани кўрсатмоқда. Бу давлат қабули органининг ишни қандай ташкил қилганлигига ҳам боғлиқ бўлмоқда. Масалан, стандартни жорий қилишда назоратнинг қониқарсизлиги, маҳсулотни қабул қилишда норматив-техник ҳужжатларга амал қилмаслик оқибатлари шундай камчиликларга олиб келмоқда. «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ва бошқа жойларда бундай мисоллар учраб турибди. Давлат қабулидагиларнинг ташаббуси билан ишлар яхши йўлга қўйилган корхоналар ҳам йўқ эмас. Масалан, «Компрессор» заводида давлат қабулидагилар конструкторлар билан биргаликда иш олиб бориб ижобий натижаларга эришдилар. Уларнинг ташаббуси билан компрессор станциясининг ишлаб чиқариш қуввати ошди. Ортиқча сарф-харажатлар эса камайди. Бундан корхона иқтисодий фойда кўрди. Шунингдек, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасида аъло категорияли кранлардан корхона катта фойда кўрмоқда.

«Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам маҳсулот сифатига тушаётган шикоятлар анча камайганига қарамай, ҳали умуман ишлаб чиқаришда туб ўзгаришлар бўлмаяпти.

Кўпгина корхоналарда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, бракка йўл қўйиш, комплектлаш ишларидаги пала-партишликлар, хом ашё таъминотидаги узилишлар, етишмовчиликлар, хуллас, масъулиятсизликка тўла барҳам берилмаяпти. «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш» корхоналарида техник ҳужжатларни қайта ишлаш ишларини тугаллаш чўзиб юборилгани ҳам шуни кўрсатиб турибди.

Маҳсулотнинг давлат қабулидан ўтказилиши бу — катта тадбир. Қўйилаётган талаблар, эса ҳақли талаблардир. Сифатни яхшилаш соҳасида барча йўналишларда қатъий чоралар кўриш керак. Аммо йилнинг биринчи кварталида давлат қабулига топширилган маҳсулотнинг иккинчи тақдимда ҳам қайтарилиши, машинасозлик комплексидан 165,3 минг сўмлик маҳсулотнинг қабулдан ўтмаганлиги, ҳаммаси бўлиб 199,65 минг сўмлик маҳсулотнинг брак қилиниши бизда анча ташвиш уйғотади.

Бу кўрсаткич айниқса «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида юқори бўлмоқда. Корхонанинг биринчи кварталнинг дастлабки икки ойида 40810,3 минг сўмлик маҳсулоти биринчи тақдимдан ўтмади.

Тошкентдаги лак-бўёқ заводининг аҳволи-ку ҳанузгача умуман ўзгаришсиз қолмоқда. Маълум бўлишича, корхонада ҳеч қандай ташкилий иш олиб борилмаган экан. Давлат қабулидагилар эса ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар ичида қолиб кетишган кўринади. (Яқинда корхона цехида чиққан ёнғин эса кўп нарсани кўрсатиб турибди). Корхонада маҳсулот қабул қилишда тартиб ўрнатилмагани, норматив-техник талаблардан мутлақо четга чиқиб кетилгани, қисқача қилиб айтганда, корхонада хўжасизлик ҳукм сургани бошқармамиз ходимларига ҳам аён эди. Цехларда техник назорат бўлими ходимларининг, давлат қабули хизматчиларининг умуман мавқеи йўқ. Корхона уч сменада ишлашига қарамай, фақат биринчи сменада давлат қабули ва техник назоратчи иш олиб борди, холос. Қолган икки сменадаги иш назоратсиз қолиб, маҳсулот ишчи виждонига ҳавола қилинган. Оқибатини кўриб турибмиз. Шуниси афсусланарлики, назоратдан ўтказилган маҳсулотлар ҳақида ҳам биронта ижобий фикр айтиш қийин. Лак-бўёқ солинган идишлар пачоқланган, этикеткалардаги ёзувлар бўёқ қолдиқлари билан чапланиб кетган. Бунинг устига ҳар бир идишда ками билан 0,1 килограммдан 0,38 килограммгача оғирлик масса етишмагани ҳақида фикрларимиз бор. Уларда лак-бўёқ маҳсулотлари учун сувдек зарур бўлган қотишма, жилва, қуритиш учун мўлжалланган вақт, хом ашёнинг тез-тез узилиб туриши каби салбий ҳолатлар тузатиб бўлмас бир дардга айланиб кетган эди. Эскириб, ишлатишга яроқсиз бўлиб қолган машина-ускуналар ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Бундай муаммолар яна олам-олам камчиликларни юзага келтириб бораверди. Корхона раҳбарларининг масъулиятсизлиги, техник назорат бўлимидагиларнинг хато ва камчиликлари учун хайфсан беришлар, жарима солишлар иш ўнгланиб кетишига ёрдам бермади. Бундай мисолларни «Узбексельмаш», «Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаларида ҳам учратиш мумкин.

Бу ҳоллар маҳсулот сифатини яхшилашга тубдан тўсқинлик қилмоқда. Шундай экан, бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш пайти аллақачон келди! Корхоналарда қайта қуриш, уларни етук мутахассислар билан таъминлаш, машина-ускуналарни янгилаш, давлат қабулидагиларни етарли асбоблар билан таъминлаш бўйича ҳали кўп жонқуярлик керак. Маҳсулот сифатини яхшилаш — бу оммавий курашдир. Қайта қуриш шароитида юқоридаги каби камчиликларга муросасиз бўлмасак, бу юксак масъулиятдан ҳеч ким четда турмаса, ана шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Г. ВОҲИДОВА,
республика стандартлар бошқармаси ходими.

Партия турмуши: қайта қуриш қандай бормоқда?

Муҳим соҳага эътибор

СССРнинг иқтисодий-социал ривожлантиришнинг 1988 йилги давлат планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлиги учун илғор меҳнат коллективлари қатори «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам яқинда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Уз меҳнатларига берилган баҳо корхона меҳнатчиларини янги ютуқлар сари руҳлантирмоқда. Коммунистлар, меҳнат пешқадамлари алоҳида жонкуярлик кўрсатмоқдалар. Бирлашма партия ташкилотининг секретари Абдураҳмон Рўзиматов янги режалар ва олдинда турган вазифалар хусусида шундай деди:

— Очиғини айтганда, КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми биз, коммунистлар фаолиятида туб бурилишни бошлаб берди. Пленум ҳаммамизнинг кўзимизни очди, қуруқ сўздан, қоғозбозликдан амалий ишга ўтиш лозимлигини, шунингдек бўйруқбозлик, кўрсатмалар беришга чек қўйди. Энг муҳими одамларимиз ўз ишларини билиб, сидқидилдан бажарадиган бўлишди. Корхонамиздаги барча ишлар тубдан ўзгарди. Янгичасига ишлаш, ошкоралик қарор топди. Албатта, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, сифат даражасининг яхшиланиши қайта қуришнинг шарофати туфайлидир. Корхонамизда бўлиб ўтган партия йиғилишларининг руҳи ҳам даврга монанд ўзгарди. КПСС аъзолари очиқчасига йўл қўйилган хатолар хусусида эркин гаплашадиган бўлиб қолишди. Коммунистлар фаолиятини ана шу тарзда қайта қура бошладик. Партия ташкилотимиз ўзига 527 коммунистни бирлаштирган. Афсуски ана шундай корхона шаънига доғ тушириб коллектив юзини ерга қаратадиган коммунистлар ҳам ҳанузгача орамизда бор эди. Улар билан алоҳида суҳбатлар уюштирилиб, тартибга чақирилди, коммунистлар муҳокамасига қўйилди. И. Ялалов ва Ю. Вилкул эндиликда ўз қилмишларидан қаттиқ афсус-надоматлар чекишмоқда. Булардан ташқари уч коммунистимиз аттестациядан ўтолмади. Уларни айрим ишларини ҳисобга олган ҳолда шартли равишда сафимизда қолдирдик. Бу йўқотиш коллективимиз шаънига яхши гап келтирмасада, муҳими сафимиз тозаланди. Айни кунларда бирлашмамиздаги 20 та цехнинг ҳаммасида коммунистларимиз авангардликни қўлдан бермай келяптилар.

Бундан ташқари, корхонамизда сиёсий ўқув кенг йўлга қўйилган. Бирлашма партия аъзолари ҳафтанинг белгиланган кунларида жойларда бўлиб, ёшлар билан бевосита иш олиб боришмоқда. Ўз навбатида цехларда идеологик ишлар жонлантириляпти. Бу ишлар кенг йўлга қўйилгач, цехларда, одамларда ишлаб чиқаришга бўлган муносабат кескин ўзгарди, маҳсулот сифати яхшилана бошлади. Биргина мисол: яқинда ишлаб чиқарилган янги маҳсулотимиз СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг олтин медалига сазовор бўлди.

Ёшлар тарбияси айни кунда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Зеро, жамиятимиз омманинг сиёсий онглилиги билан кучлидир. Бу эса идеологик, ғоявий-тарбиявий соҳалардаги ишларнинг жанговарлиги ҳамда савиясига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Жонли сўзни ташкилотчилик фаолияти билан уйғунлаштириш юқори пировард натижаларни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ёш кадрларга нисбатан жиддийроқ эътиборда бўлишимиз керак. Ҳар биримиз аввало ёшлар келажагимизнинг давомчиси эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Бу борада бирлашмамиз коллективи ва коммунистлари кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Ёшларни тарбиялашда кекса ишчиларимиз асосий таянчимиз бўлишяпти. Ёшларимизнинг, эркин ишлаши ва ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар яратиб бериляпти. Ёшлар билан ишлашда мутахассис психолог Ф. Маҳмудованинг роли беқиёсдир. Бу ерда ташкил этилган махсус жойда чарчаган ишчи истаган пайтида дам олиши мумкин. Бундан ташқари ётоқхоналарда дам олиш хоналари, хоҳловчилар учун спорт комплекси мунтазам ишлаб турибди.

Шунингдек, «ёш коммунист» ҳамда «бўлажак коммунист»лар учун ўқув-машғулотлари олиб бориляпти. Туристик путёвкалар билан Хумсон, Ялта, Сочи, Трускавец шаҳарларига, Болгария, Руминия, ГФР каби чет элларга саёҳатга жўнатилмоқда. Бу сингари ғамхўрликларга ёшларимиз амалий ишлар билан жавоб бермоқдалар. Меҳнатда ва ҳаётда фаол бўлишга интилишяпти.

Маълумки, ҳар бир коллективнинг ўзига яраша ташвишлари йўқ эмас. Худди шундай муаммолар қисман бўлсада, бизда ҳам мавжуд. Уни четдан келиб бирор киши ҳал қилиб бермайди. Инсон омилини активлаштириш туфайлигина ишлаб чиқаришда мунтазам ўсишга эришилди. Шу сабабдан меҳнаткаш ишчи тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилишни олдимизда турган бош вазифалардан бири деб ҳисоблайман. Ҳозир бирлашмамизда умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналари, тўртта магазин ишчилар хизматида. Бундан ташқари ўзимизнинг ҳисобимиздан «ЦУМ»нинг филиалини корхонамизда очиш учун катта магазин қуряпмиз. Яқинда уни топшириб, танқис бўлган буюмларни шу жойнинг ўзида ишчиларга етказиб берамиз. Шу йилнинг ўзида 90 та квартира, битта ўзимизнинг ҳисобимиздан қурилаётган уй ишчиларга топширилади. Ишдан сўнг ортиқча вақт сарфлаб бозорўчар учун юрмасликнинг ҳам йўлини қилдик. Жойлардаги колхоз-совхозлар билан шартнома тузилиб, ҳар ойда навбат билан хўжаликда зарур бўлган майда-чуйдаларни шу ернинг ўзида соттираяпмиз. Даволаш-профилактика ишларини йўлга қўйишга ҳам янгичасига ёндошилмоқда, жумладан 4-медицина даволаш бошқармаси билан қилаётган ҳамкорлик алоқаларимизга мувофиқ ҳар йили 100 кишига ҳар хил жойда даволаниш учун путёвка ажратиляпти. Яна бир муҳим янгилик: Трускавецдаги «Схорница» даволаш муассасаси билан тузилган шартнома бўйича ҳар йили 28 киши намунали даволаш марказига бориб келадиган бўлди.

А. ҲАҚБЕРДИЕВ.

«Шарқ гули» чеварлари

«Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари бугунги кунда Иттифоқимизнинг турли бурчакларига юбориляпти. Хўжалик ҳисоби шароитида меҳнат қилаётган мазкур корхона маҳсулотлар ассортиментини кенгайтиришга муваффақ бўляпти. Турли чойшаб, сўзана, зардевор, эшик ва дераза пардалари, эркаклар ва аёллар кўйлаклари, дўппи ва тўпларнинг хилмахил турлари бугун савдо пештахталарини безаб турибди. Бу маҳсулотлар иттифоқдош республикалардан ташқари ўнлаб чет эл мамлакатларига экспорт қилинади. Яқинда бирлашмада тикилган 200 та тўн америкаликларга юборилди.

Бирлашмада ҳамма хўжалик ҳисоби натижаларидан манфаатдор. Бунинг учун барча технологик босқичларда юқори самарадорликка, ҳар бир ишчининг юксак масъулият билан ишлашига эришиш зарур.

Ҳалима Тўраева бирлашманинг ташаббускор ишчиларидан. У ўзининг жонкуярлиги ва вақтдан унумли фойдаланиши билан коллективдагиларга ўрнак бўляпти. Пешқадам ишчининг меҳнат ва сифат кўрсаткичлари доимо юқори бўляпти.

Бирлашманинг умумий натижаларига муносиб ҳисса қўшаётган попоп цехида ҳам бундай илғорларни кўплаб учратиш мумкин. Бу цех энг асосий ишлаб чиқариш участкаларидан. Қўли гул чеварлар томонидан тикилаётган сўзаналарга ажойиб гуллар, нақшлар акси туширилади. Ўзбек халқининг кўп йиллик миллий анъаналарини давом эттираётган бу ишчилар келгусида ҳам маҳсулотларнинг янада ранг-баранг бўлишини таъминлаш ниятидалар.

В. МАДИМАРОВА.

СУРАТДА: илғор ишчи Ҳ. Тўраева; бирлашманинг попоп цехида.

Р. Шарипов ва Т. Каримов фотолари.

Смена мастери

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинатининг Собир Раҳимов районида жойлашган 3-филиалида смена мастери Қимматхон Абдурасулованинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Бу бежиз эмас, албатта. У фидойи меҳнати туфайли коллективда обрў-эътибор топмоқда.

— Камтарга камол, дейди халқимиз. Қимматхон камтарин меҳнати туфайли филиалимиз тўқувчиларининг ишончига эришди. Айниқса, меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни арафасида у етакчилик қилаётган смена алоҳида кўтаринкилик билан ишлаяпти, дейди йигирув цехининг участка бошлиғи Светлана Александровна Анесова.

Қ. Абдурасулова мана ўн беш йилдан бери йигирув цехида сменага етакчилик қилиб келмоқда. У раҳбарлик қилаётган участка ишчилари ҳар ойда топшириқларни ошириб бажаряптилар. Байрамолди вахтасида эришилган муваффақиятларга Эътибор Орипова, Тошкент шаҳар Совети депутати Абиба Турсунова, Гулмира Ибрагимовалар муносиб улушларини қўшишди. Бу моҳир йигирувчилар ҳар куни 13 минг метр ўрнига 14—15 минг метрдан ип йигириб, кунлик планни 105-110 процент қилиб бажармоқдалар. Қимматхон участкада ҳар бир тўқувчининг иш сифати ва сўръатига алоҳида эътибор беради. Комбинатнинг қўли гул ишчилари иккинчи квартал план ва топшириқларини ҳам муддатидан илгари адо этиш учун мусобақани кун сайин қизитмоқдалар.

Р. РАЖАБОВ.

Майда қисқичбақа Финляндия аҳолисининг севимли таоми ҳисобланади. Суоми мамлакати уларни ўз кучи билан овлабгина қолмай, бошқа мамлакатлардан ҳам сотиб олади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра харидорлар эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун қисқичбақаларнинг таъминигина эмас, уларнинг асл қиёфасини ҳам сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга. Майда қисқичбақаларни консервалаш саноати хусусиятлари шу билан белгиланади. Ҳозирча майда қисқичбақаларни консервалашда қўл меҳнатининг ҳиссаси салмоқлидир.

СУРАТДА: музи эритилган майда қисқичбақалар қўл билан сараланади.

ТАСС фотохроникаси.

Савр инқилобининг 11 йиллигига

Афғонистон: ташвиш ва умидлар

Савр инқилобининг 11 йиллиги арафасида афғон халқи ўз тарихида энг оғир ва мураккаб вақтни бошидан кечирмоқда.

Мамлакатдаги демократик кучлар томонидан амалга оширилган бу инқилоб Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда қолоқликни бартараф этиб, мамлакатни юксалтиришни мақсад қилиб қўйган эди. Аммо ана шу инсонпарвар масалаларни ҳал этиш мамлакат ичида ва ташқарисида маълум кучларнинг қаршилигига дучор бўлди.

Республика қонуний ҳукуматининг қон тўкилишини тўхтатиш, турли позицияда бўлган партия, ташкилот ва гуруҳлар ўртасида бир битимга келиш мақсадида мулоқотни бошлаш тўғрисидаги чақириқларига қарамай ҳозир ҳам бу ерда уруш давом этмоқда.

Энг асосий масала — мамлакатни кимлар ва қандай бошқариши масаласи бўлса, Афғонистон халқ демократик партияси ҳокимиятга оппозициясидаги кучлар иштирокида коалицион ҳукумат тузишга розилик берганлиги яхши маълум. Аввллари ҳокимиятни бошқаришдан четлаштирилган ёки четда турган демократик ташкилот ва гуруҳлар сўнгги йилларда халқ демократик партияси чақириғи ва таклифига биноан қонуний ҳукумат билан ҳамкорлик бошладилар. Булар қаторида Афғонистон меҳнаткашлари революцион ташкилоти, Афғонистон меҳнат ташкилоти ва бошқалар бор.

Ҳукумат томонига аҳолининг турли табақалари — миллий буржуазия, партиясиз зиёлилар, диндорлар, савдогарлар, дўкондорларни кенг жалб этиш ишлари ҳам олиб борилди. Булардан ташқари ҳукуматнинг йирик ер эгаларига нисбатан сиёсатининг ўзгариши, миллий масалани адолатли ҳал этишга қаратилган ҳаракатлари, янги конституция бўйича гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтирилиши унинг аҳоли ўртасидаги обрў-эътиборини ошириб, мавқеини мустаҳкамлади.

Афғонистон революциясининг ички ва ташқи душманлари совет қўшинлари бу мамлакатдан чиқиб кетганидан сўнг кўп вақт ўтмай ҳозирги ҳукумат қулайди, деб ишонч билан айтаётган эдилар. Ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида Покистон территориясидаги тўдалар «Ўтиш ҳукумати»ни тузиб ҳам қўйдилар. «Президент»дан бошлаб ҳукуматдаги барча лавозимлар аллақачон тақсимлаб бўлинган. «Министрлик» лавозимларини асосан Покистондаги тўдаларнинг вакиллари эгаллашди. Аммо «Ўтиш ҳукумати» составида Афғонистон территориясидаги ҳарбий отрядлар, Эрондаги тўдалар, Ғарб мамлакатларида бошпана топган эмигрант гуруҳлар ва Зоҳир шоҳ тарафдорларининг вакиллари йўқ.

Бугунги кунда кўпчилик мамлакатда анча салмоққа эга реал сиёсий куч — халқ демократик партияси, деб ҳисобламоқда. Бундан 24 йил аввал тузилган бу сиёсий партия 11 йил ҳокимият тепасида туриб мамлакатни бошқаришда синовлардан ўтди.

Партиянинг мавқеи кучли эканлигини воқеалар ривожи кўрсатиб турибди. Йирик шаҳарлар, — Жалолобод, Хост, Кандаҳордан совет қўшинлари чиқиб кетганига 9-11 ой вақт бўлди. Шу вақт давомида ҳукумат қўшинлари бу шаҳарларни ўз қўллари остида ушлаб турибдилар.

Ҳукуматга қарши кучларнинг қўшинлари Жалолобод шаҳрини қамал қилиб турибди. Уларнинг мақсади аҳамияти жиҳатидан Афғонистон шаҳарлари ичида иккинчи ўринда турган Жалолободни ишғол қилиб, «Ўтиш ҳукумати»нинг бош қароргоҳига айлантириш. Шунда Покистон ҳам, АҚШ ҳам бу «ҳукумат»ни расмий равишда тан олиб, ҳар томонлама ёрдами ҳажмини оширган бўларди. Сўнгги хабарларга қараганда бу жараённи тезлаштириш мақсадида Покистон ва Саудия Арабистони оппозицияга фақат қуроляроғлар билан эмас, ҳарбий куч билан ҳам ёрдам кўрсатмоқда. Оппозиция тарафида Покистоннинг 11 ва 18-дивизияси қўшинлари ҳам иштирок этмоқда.

Ўтган йилнинг апрель ойида Женевада Афғонистон билан Покистон ўртасида имзоланган битимнинг Исломобод томонидан муттасил бузиб келиниши, бу битимнинг бажарилишини назорат қилишни зиммасига олган Америка Қўшма Штатларининг бу масалада тутаётган позицияси вазиятни кескинлаштириб, Афғонистон халқига ўз тақдирини ўзи ҳал этиш имконини қийинлаштирмоқда.

Вужудга келган вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир йўли ўзаро музокаралар ўтказишдир. Афғонистон халқ демократик партияси шунга амал қилиб, оппозициядаги кучларга можарога сабаб бўлаётган барча масалаларни музокара столи атрофида муҳокама қилишга ва ҳал этишга чақириб келмоқда Бироқ «Ўтиш ҳукумати» бу таклифларни жавобсиз қолдирмоқда.

Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётга эришиш мақсадида революцияни амалга оширган сиёсий партия — АХДП маълум мавқега эга эканлигини сўнгги воқеалар кўрсатиб турибди. Оппозициядаги кучларнинг урушдаги ҳар бир муваффақиятсизлиги аҳоли ўртасида қонуний ҳукуматга ишончни ошириб, обрўсини мустаҳкамламоқда.

Бу омиллар Афғонистон халқи эртанги кунда тинчлик, осойишталикка эришади, деб умид қилишга имкон беради.

Т. ҚОРАТОЕВ.
халқаро шарҳловчи.

Турфа олам

⊙ **ИВАНО - ФРАНКОВСК.** «Карпатагромаш» заводида ишлаб чиқарилган янги ўзи-юрар устаханолар қуввати оширилган қишлоқ хўжалик машиналарининг узлуксиз ишлашини ва уларга сифатли техника хизмати кўрсатилишини таъминлайди. Шундай устаханоларнинг дастлабки туркуми Белоруссия, Чувашия, Орёл, Свердловск ва Украинадаги бир қанча жанубий областларнинг экиш ишларида банд бўлган механизаторларига жўнатилди. ГАЗ — 53 автомобилига монтаж қилинган агрегат ёрдамида трактор ва комбайнларга тез ва сифатли мой қуйиш, узеллар ва деталлар диагностикасини, унча мураккаб бўлмаган ремонт ишларини бажариш мумкин. Ҳар йили завод сервис хизматининг энг юксак талабларига мос келадиган мингтага яқин устахона тайёрлаб беради. Янгилик СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг олтин медалига сазовор бўлди.

МОСКВА. Марказий кўргазмалар залида Москвада бунёд этиладиган Ғалаба ёдгорлигининг энг яхши лойиҳаси учун якунловчи, иккинчи тур Бутуниттифоқ конкурсининг экспозицияси намойиш этилмоқда. Биринчи турга тақдим этилган 470 ишдан жюри иккинчи турга 10 лойиҳани танлаб олди. Улардан ташқари шу ерда кейинги вақтларда олинган 18 асар намойиш этилмоқда. Фақат лойиҳаларнинг муаллифлари ёдгорликни қаерда ўрнатиш ҳақида бир фикрга келишолмаяпти. Бош обидани Қизил майдонда, Кремль девори яқинидаги Александр боғида ёки Боровицкий тепалигида ўрнатиш ҳақидаги таклифлар ҳам бор.



Томошабинлар конкурс муносабати билан ўз фикрларини баён этишлари мумкин. Бунинг учун кўргазмалар залида махсус анкеталар тарқатилмоқда. Орасида юзлаб Улуғ Ватан уруши ветеранлари бўлган меҳмонларнинг фикри ҳам ижодий мусобақага якун чиқарилаётганда ҳисобга олинади, деб ўйлаймиз.

СУРАТДА: лойиҳалардан бири.

⊙ **АРЗАМАС.** [Горький области] Шаҳардаги завод ходимлари минерал пахта плиталар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган фенол ўрнига заҳари кам смолани қўллашмоқдалар. Эндиликда заводда тайёрланган ана шу маҳсулот муҳим афзалликка эга бўлиб, ундан фойдаланганда, экологик софликка зарар етмайди. Арзамаслик ларнинг тажрибаси эътиборни ўзига тортди. Литва, Белоруссия ва Украинадаги шундай корхоналарда янги маҳсулот тайёрлаш тажрибаси ўрганилмоқда.

Адабиётчилар марказий уйида мутафаккир ва илоҳиёт мутахассиси, санъатшунос ва математик, ихтирочи ва маърифатчи Павел Александрович Флоренскийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўргазма очилди. Флоренскийни рус Леонардоси деб ҳам аташади. У рус маданиятининг рамзи бўлиб қолди. Флоренский 1937 йилда лагерда ҳалок бўлган. Адабиётчилар марказий уйининг кичик залида П. А. Флоренскийнинг хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

СУРАТДА: «Файласуфлар», 1917 йил. М. В. Нестеров чизган П. А. Флоренский ва С. Н. Булгаковларнинг портрети.

ТАСС фотохроникаси.

Жонажон Ватан бўйлаб

⊙ **КИШТИМ** [Челябинск области]. Электролит усулида мис қуйиш маҳаллий заводининг металл эритиш печлари «атмосферани қизитишни» тўхтатди. Бу ерда қизиган газлар иссиқлигини утилизация қиладиган қурилмалар монтаж қилинди. «Ушлаб қолинган» иссиқлик қудратли қозонхона ишини бажара бошлади. Энди у заводнинг учта асосий цехини ва иккита теплицани иситмоқда. Печларнинг унумдорлиги ҳам агрегатга узатиладиган ҳаво исиши ҳисобига бир ярим баравар ошди.

⊙ **МИНСК.** «Белавтомаз» бирлашмасининг пўлат қуювчи иккинчи цехи пўлат эритувчилари «иссиқ цехлар» ходимлари ҳамда ремонтчилар учун имтиёзлар беришга аҳд қилишди. Гап шундаки, қуйиш цехидаги ускуналарга хизмат қиладиган слесарлар пўлат эритувчилар сингари қаттиқ график асосида якшанба кунлари ҳам ишлашади. Маошлари ҳамда пенсиялари эса анча кам. Шунинг учун улар бу ерда узоқ ишлашмасди. Энди ремонтчилар билан асосий ишчиларнинг меҳнати баб-баравар қадрланмоқда. «Оловли касб» эгалари ана шундай қарорга келишди. Биз хўжалик ҳисобига ўтдикми, даромадимизни ўз билгимизча ишлата оламиз. Слесарларни бепул овқатлантиришга ўтказдилар, уларнинг маошларини ошириб, тунда ишлагапликлари учун икки баравар кўп ҳақ тўлай бошладилар.

АСАЛАРИЛАР ҲУЖУМИ

Мексиканинг Юкатан ярим оролидаги асаларичилик кенг ривожланган райони — Санта-Ана посёлкасининг аҳолиси сон-саноқсиз асалариларнинг росмана ҳужумига учради. Аммо мазкур ҳолда маҳаллий асаларилар ғалаён кўтаришгани йўқ, шаҳарчага қотил-асаларилар деб аталмиш Африка асаларилари ҳужум қилди. Маъмурлар маҳаллий аҳолини шошилинч равишда эвакуация қилиб, яқин-орада жойлашган «Майя» асаларичилик хўжалигининг мутахассисларига мурожаат қилишди. Бир неча соатдан кейингина сув ва кимёвий препаратлар ёрдамида шаҳарча устидаги қанотли босқинчилар галаларини тарқатиб юборишга муваффақ бўлинди.

ПИЁДА САҲРОИ КАБИР ОРҚАЛИ

Ўттиз ёшли англиялик Жефф Хауард уч минг километр пиёда йўл босиб, Саҳройи Кабирни кесиб ўтди. Жазоирнинг Бенн-Аббос шаҳридан Нигериянинг Кано шаҳригача бўлган масофа шунча экан. Жефф арабларнинг анъанавий либосида кийинган бўлиб, ўз олдида сув ва озиқ-овқат ортилган аравачани итариб борибди. Хауард юриш олдидан Англиянинг Ланкашир графлигидаги қум тепаликларида машқ қилган экан.

ЯНА БИР ТАҲМИН

Кўп йиллардан бери олимлар Жанубий Американинг Наска ясси тоғлигидаги улкан расмлар сирини очишга ҳаракат қилиб келишади. Американлик антрополог Иоханн Рейнард аввалгиларига мутлақо ўхшамайдиган янги ғаройиб тахминни ўртага ташлади. Унинг фикрига қараганда, ана шу ерларнинг қадимги аҳолиси тоғ худоларига ўз тоат-ибодатларини шу йўсинда шифрлаганлар.

ЭНГ ҚУВНОҚ МУСОБАҚАЛАР

Кулги бўйича... АҚШ чемпионати бу сафар Американинг Сан-Диего шаҳрида бўлиб ўтди. Ҳакамлар Гарри Браунинг қариб ярим соат давом этган қаҳқаҳасини энг завқли кулги деб топдилар. Пол Гриффин эса одатдан ташқари кулгиси билан эътибор қозонди: у кулишни кучли баритон овози билан бошлаб, хотин-қизлар овози билан ниҳоясига етказди. Линда Латс эса энг давомли кулиш бўйича биринчи бўлди (у тўрт соат-у ўн беш минут мобайнида тўхтовсиз кулган).

ИККИ ТОННАЛИ ШОКОЛАД

Гиннеснинг машҳур рекордлар китоби яна бир фавқулодда воқеа билан бойийдиган бўлди. Американинг «Нестл» қандолат фабрикаси жаҳонда энг катта шоколад плиткасини ишлаб чиқарди. Ана шу қандолатчилик мўъжизасининг вазни икки тоннадан знёдроқни, узунлиги 14 метрни ташкил этади. Компания реклама мақсадида махсус жиҳозланган юк машинасида ўз маҳсулоти билан Қўшма Штатларнинг деярлик барча шаҳарлари бўйлаб сафар қилишни мўлжалламоқда.

ЯНГИ ИЖАРАЧИ

Американинг Филадельфия шаҳри ҳайвонот боғида ҳадемай янги ижарачи пайдо бўлади. Бу ерга улкан Африка қобони келтирилади. Илгари камдан-кам учрайдиган ана шундай қобонларни Қўшма Штатларнинг ҳайвонот боғларида боқиш ман этилган эди. Яқин вақтларгача карантин ҳақидаги жиддий қонунга амал қилинар эди. Ҳайвонот боғи директори Ж. Кутнинг хабар қилишича қараганда, янги ижарачининг вазни 113 килограмм бўлиб, у 1986 йилда Москва ҳайвонот боғида туғилган.

Санъатнинг сеҳрли олами

Истеъдодли ёшлар баҳси

Глиэр номидаги музика мактаб-интернатида бир неча кун давом этган «Ёш ижрочилар» конкурси ниҳоясига етди. Ўзига хос бу ижодий кўрикда республикамиздан 128 нафар ёш санъаткор қатнашиб, 12 хил чолғу асбобларида ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Қувончлиси, пойтахтнинг ўзидан 3, 20, 28-болалар музика мактабларининг вакиллари 1-даражали диплом билан тақдирланишди. Мухбиримиз Тошкент шаҳар болалар музика мактабларининг ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлими методик кенгашининг раиси А. Одиловга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Анвар ака, конкурс натижаларидан кўнглингиз тўлдими?

— Бу йилги тадбир пухта ўйлаб ўтказилганини айтиб ўтишим зарур. Ижрочилар ҳар доимгидан кўпроқ, санъатнинг 12 тури бўйича баҳслашдилар. Дастлаб, областларда конкурслар ташкил этилиб, ғолиблар республика миқёсида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди. Кўрик давомида Урганч шаҳридан келган ёшлар айниқса ажралиб турдилар. Улар ижросида дутор, чанг ва танбурда янграган наволар барчада катта таассурот қолдирди. Шунингдек, конкурс дипломларини қўлга киритган 1, 2, 9, 11, 20-болалар музика мактаблари ўқувчиларининг истеъдодини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Сиз раҳбарлик қилаётган 28-болалар музика мактаби ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Конкурсга йил бошидан пухта тайёргарлик кўрдик. Педагогларимиз бор тажриба, куч-ғайратларини аямадилар. Бу эса яхши самаралар берди.

Баҳсларда биздан 6 ансамбль ва 10 нафар яккахон ёш санъаткорлар қатнашишди. Уларнинг кўпчилиги диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Конкурс шартларини тўғри бажарган доирада Хайрулла Маҳкамов, дуторда Зиёда Жавҳарова, чангда Феруза Шариповалар бу чолғу асбобларини чалиш сирларини пухта эгаллаганликларини намойиш этишди.

— Билим даргоҳида муаммолар ҳам борми?

— Мактаб биноси эски, синфлар етишмайди. Бу ҳақда район ва шаҳар ижроия комитетларидаги мутасадди ўртоқларга мурожаат қилаяпмиз. Лекин фойдаси бўлмаяпти.

Ҳар йили болалардан 200-250 та ариза тушади. Ўқишга эса 30-40 нафарини қабул қиламиз, холос.

Умуман, олганда бизнинг «Бирлик» ва «Октябрь» массивларида 70-80 минг оила яшашга қарамай, бирорта маданият ўчоғи йўқлиги ачинарлидир. «Юлдузча» ёзги кинотеатридан эса фойдаланилмайди.

— Ёш санъаткорлар қобилиятини шакллантириш учун сизнингча нималарга эътибор бериш зарур?

— Қайта қуриш барча соҳаларда ўзгаришлар қилмоқда. Менимча, санъат, маданият ва маориф масканларига ҳам юз тутадиган пайт келди. Ёшларнинг маънавий олами, эстетик тарбия ҳақида кўп гапирамиз-у, амалда эса ўзгариш сезилмайди. Ҳали кўплаб музика мактабларини малакали кадрлар билан таъминлаш, моддий базасини мустаҳкамлаш талаб этилади. Истеъдодли ёшларнинг камол топишига шароитлар яратиш лозим.

Суҳбатни С. ШОДИЕВ ёзиб олди.

СУРАТДА: конкурс қатнашчилари.

Т. Каримов фотоси.

Мактуб йўлга чорлади

Мурғак қалблар нидоси

...«ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ, мен жабрланган онаман. Ўз розилигим билан суд орқали эримдан ажрашдим. Ҳозир олтита бола билан отамникида яшаяпман. Илтимос, қонуний йўл билан мен келин бўлиб тушган ва яшаган ҳовлидан болаларим билан менга тегишлисини ажратиб беришда ёрдам берсангиз»...

СИРТДАН қараганда, гўё ҳамма нарса ҳал этилган, масалага сўнгги нуқта қўйилгандек кўринади. Чунки оилани қайта тиклаш хусусидаги маҳалла активларининг барча уринишлари чиппакка чиққан, иш судга оширилиб, Собир Раҳимов район халқ суди эр-хотин ўртасидаги кескинликни ҳисобга олиб, никоҳни бекор қилиш ҳақида ажрим ҳам чиқариб бўлган эди. Хўш, шундай экан, нега мактуб эгаси яна редакцияга мурожаат қилди? Нега одамларни қайта-қайта безовта қиляпти? Сабаби ўртада олти фарзанд бор. Уларнинг тақдири онани бефарқ қолдирмаяпти. Болалар келажагини ўйлаб она қийналяпти. Қандай бўлмасин мана шу бегуноҳ нораснларнинг яхши яшаши, ҳеч нарсага муҳтож бўлмай ўсишини истаб шундай қиляпти.

Лекин у бугунги кунда бола учун она ва ота меҳри бирдек зарурлигини англамаяпти. Гарчанд фарзанд ҳаётда заҳра камчилик сезмай дуркун ўсса-ю, лекин ота бағридан узоқда, унинг дийдорига, меҳрига зор бўлиб яшаса кўнглида бир умр унутилмас армон қолажагини она ҳозирча билмаяпти. Бунинг боиси унинг қалби алам ва ситамга тўлалигида, умид билан бир ёстиққа бош қўйган вафодор эрнинг унга кўрсатган зуғумларида, ичкилик ичиб олиб жаҳлга эрк берган муштумзўр эркакнинг етказган озорларида.

«МЕН у кишидан бундай марҳаматни кутмаган эдим, — деб ёзади хат муаллифи. — Шу йилнинг 1 февраль куни ишдан бир шиша арақ кўтариб қайтдилар. Шишани кўриб юрагим зирқираб кетди. Чунки ичган ёки эшикдан ичиб келган кунлари аламларини мендан оладилар. Калтак зарбидан аъзойи-баданим кўкаради. Ўтган йили ҳам шундай воқеа бўлганида отамникига кетиб қолгандим. Ўртага яхши кишилар аралашиб, яраштириб қўйишди. Ўшанда ҳамманинг олдида ичмасликка ваъда бердилар. Мен бу гапларга ишониб уйга қайтдим. Оиламиз яхши бўлиб кетишига умид боғладим. Афсуски, янглишган эканман.

Болаларни боғчадан олиб келгани кетсам ичиб «тайёр» бўлиб олибдилар. Арзимаган гапга жанжал бошладилар, муштларига эрк бердилар. Бир зумда ҳовлимизга маҳалла фаоллари, қўни-қўшнилар тўпланишди. Маҳалла комиссиясининг раиси келди. Одамлар эримни кўчага ҳайдаб чиқариб юборишди. Ҳамма тарқалгач, энди келиб ётсам, эшик тақиллади. Бориб очай десам яна уришларидан қўрқдим. Томдан тушмоқчи бўлганларида бир корҳол рўй бермасин деб отамнинг уйига қочиб кетдим. Ўша куни туни билан мижжа қоқмадим. Бекор ўтган умримга, ёшлик орзуларим рўёбга чиқмай қолганига ачиндим. Ўйлай-ўйлай ажралишга қарор қилдим. Эртасига судга ариза бердим».

Собир Раҳимов район халқ суди раиси қарорида кўчирма:

«Иш материаллари, гувоҳлар кўргазмаларидан кўриниб турибдики, Иброҳимовлар оиласи нотинч бўлиб, доимий жанжал ва тўполонлардан Иброҳимова Мукамбар ва унинг ўғлон фарзандлари озор чекишмоқда. Бир неча марта Иброҳимов Абдулла муҳокама этилганига қарамай, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Суд бундай оилани тиклаб бўлмаслигини ҳисобга олиб, даъвогар Иброҳимова Мукамбар ва жавобгар Иброҳимов Абдуллалар ўртасидаги никоҳни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилади».

Биз дастлабки шикоят хати юзасидан судья Мўътабар Ҳошимовага мурожаат қилдик.

— Айтингчи, суд ҳукмига икки томон рози бўлганмиди?

— Хотин рози. Лекин эр болаларини отасиз қолдириш нияти йўқлигини билдириб, даъвони рад этишни сўради. Биз жамоатчилик фикрини эътиборга олиб, ажрим чиқардик.

— Ахир бир қарорга келишиб олишлари учун уларга маълум муддат берилса бўлмасмиди?

— Бундай муддат берилган. Даъвогар бизга 14 февралда ариза топширган эди. Орадан 40 кун ўтгач, 5 апрелда бу иш кўрилди.

Лекин жавобгар Абдулла Иброҳимов суд ҳукмидан норози.

— Суд шахсан мени ҳеч қандай огоҳлантирмай-нетмай никоҳни бекор қилиш ҳақида ажрим чиқариб юборди, — дейди у.

Форобий кўчасининг 5-боғи берк йўлагига жойлашган 19-уйнинг мўъжазгина ҳовлисига кирганимизда водопроводдан челакка шовуллаб қуйилаётган сувга маҳлиё бўлганча бир қизалоқ турарди. Бизни кўриб «Адам, адам келяптилар», дея хурсанд эшик томон шошилди. Яқинлашгач, «Адам эмас», деб ҳурпайиб орқасига чекинди.

— Ҳар куни аҳвол шу. Кечгача эшик пойлайди. Лекин уч ойдан бери отасидан дарак йўқ. Ҳатто бир ўрам печенье кўтариб бўлсада болаларини кўргани келмайди, — дейди бизга Мукамбар. — Қани ичкари киринглар.

Хона тўрида юрган яна бир қизча бизга ҳайрат билан тикилди.

— Отинг нима?

— Фотима.

— Адангни соғиндингми?

— Йўқ.

— Нега?

— Опамни уради...

Она жилмайди. Лекин бу жилмайиш остида изтироб ётарди.

— Болаларни деб шунча чидадим, энди бўлди. Кунора бўладиган жанжаллару, мушткеттиларга тоқатим йўқ.

Ўйланиб хаёлга толасан киши. Тавба, ожиза деб аталган аёл кишига қўл кўтарищ инсофданми? Бунинг устига устак бу айбсиз айбдор қандай оғир гуноҳ қилибдики, шафқатсиз жазога лойиқ бўлса? Ахир унинг айби хонадонингни обод қилгани, эрталаб қўлингга бир пиёла иссиқ чой тутгани, чарчаб ишдан қайтганингда бир зумда олдингда иссиқ таом муҳайё қилиб, болаларингни ювиб-тараганими?

— **«Правда» маҳалласи хотинқизлар советнинг раиси Машкура Қодирова сўзидан:**

— Мукамбарга жабр бўлди. У турмуш қургандан бери бир неча марта эри билан жанжаллашиб уйига қайтиб келди. Лекин эри кечирим сўрагандан кейин уларни яраштириб қўйдик. Шу ўринда касбим педагог бўлгани учун А. Макаренконинг қўйидаги сўзларини эслатиб ўтмоқчиман: «Оила инсон ҳаётига тўкислик бағишлайди, оила бахт келтиради, лекин ҳар бир оила, айниқса социалистик жамиятдаги оила, энг аввало, давлат аҳамиятига эга бўлган қутлуғ ишдир». Шундай экан, оиланинг бузилишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Лекин ўртада инсон қадри деган тушунча ҳам бор. Уни топташга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мукамбар ҳам ҳозир ўз қадрига йиғлаяпти.

Мукамбарнинг қўшниси Ҳалима Гайнуллина сўзидан:

— Мен оилавий бахтни ўзаро муҳаббатда деб биламан. Муҳаббатли эр хотинига мутлақо қўл кўтармайди. Бу уйда бўладиган тўполонлардан ҳатто болалар ҳам зада бўлиб қолишган. Олти боладаниккитаси ногирон. Икки ёшли Зуҳра на юради, на ўтиради. Ҳасаннинг эса оёғи оқсоқ.

— Бунга ҳам отаси айбдор, — дейди Мукамбар. — Ўғлим йиқилиб оёғи синганди. Уни касалхонага олиб бордим. Шифокорлар оёғини гипслаб, икки ҳафтадан кейин яна қайтиб келишимни айтишди. Лекин отаси бунга кўнмади. Ўзбилармончилик қилиб гипсни олиб ташлади. Натижада ўғлим ногирон бўлиб қолди. Мен яраш даъво қилаётганим йўқ. Ахир шунча бола билан отамникида қачонгача яшайман. Менга тегишли бўлган уйимни, мол-мулкимни қайтариб берса бас. Ахир мен ҳам болаларим билан одамлардек нормал яшашим керак-ку!?.

Ҳовлидан чиқаётганимизда 6 ёшли Мухлиса бизга яқинлашди. У нимадир демоқчи бўлар, лекин иймонарди.

— Хайр Мухлиса, — дедик биз. — Адангни кўрсак нима деб қўяйлик?

Мухлиса ҳўнграб юборди. У қандайдир алам ва ранж билан ўкириб йиғларди. Ким билсин, бу йиғи отасини соғинганидандир. Балки, бу оила чиқишмовчиликларидан зада бўлган мурғак қалбнинг нидосидир. Анча вақтгача ўйланиб қолдик. Ёш юракнинг йиғиси вужудимизни ларзага солди. Қизчанинг оқиб турган кўз ёшлари узоқ вақт кўз ўнгимиздан кетмади.

Эртасига Абдулла Иброҳимов яшаётган Собир Раҳимов район Сариқсув кўчасидаги 3-уйга бордик. Эшикни тақиллатаётган эдик кўчада бизга тикилиб турган нуроний кампир шундай деди:

— Уйда ҳеч ким йўқ, болам. Абдулла ишда, хотини олтита боласи билан отасиникига кетиб қолган.

— Нега?

— Оилада тинчлик бўлмаганидан кейин шу-да. Мен сизга айтсам, Абдулла ўзи ёмон бола эмас, меҳнаткаш, лекин ичиб олса жини қўзийди. Хотини билан уришгани уришган.

— Айб кимда ўзи?

— Қарс икки қўлдан чиқади болам. Иккаловида ҳам бор. Хотини эрининг одатини билади. Шундай бўлгач, яхши гапирса, ширинсуханлик билан иш тутса, балки Абдулла ҳам инсофга келиб қолармиди, дейманда. Катталарку бир кунини кўриб кетар-а, тирик етим бўлаётган ёш гўдакларга қийин...

70 ёшли Мусаллам Пўлатхўжаеванинг гапларини тингласа туриб қизалоқ Мухлисанинг беозор ҳўнграб туриши кўз олдимизда қолянди.

Пушкин номли маҳалла комитетининг раиси Йўлдош Раҳимов сўзидан:

— Очиғини айтсам, бу оиланинг жанжали жонга теккан. Икки-уч марта ўртага тушиб эр-хотинни яраштириб қўйдик. Абдулланинг ўзи хотинига иккинчи қўл кўтармаслик ҳақида бир неча марта тилхат ёзиб берган. Бироқ сўзининг устидан чиқмаяпти. Ичмаса бинойидек оила тебратади, маҳалла-қўйга аралашади, одоби ҳам ёмон эмас. Лекин ичса ўзлигини йўқотиб қўяди. Шу туфайли бутун бир оила барбод бўлаяпти. Ниятимиз икки ёшни инсофга чақириш, уларни яраштириб қўйиш. Болаларни тирик етим қилиб бўлмайди-ку! Шуни ўйлаб келиннинг мол-ҳолларини бермай турибмиз. Яраш таклиф қиляпмиз.

Абдулланинг ўзи тушунтириш хатида шундай дейди:

«Турмуш йўлдошим Мукамбар билан етти йил бирга яшадик. Дастлаб ҳаётимиз яхши кечсада, мен унинг қилмишидан кўнглим тўлмасди. Рости у марҳум отаонамга яхши қарамасди. Шундан жаҳлим чиқиб эдилардим. Кейинги жанжалимиз ҳам арзимас гапдан чиқди. Ишдан қайтишда уйга яримта арақ олиб келдим. Озроқ ичдим. Орамиздан майда-чуйда гап кечди. Кейин жаҳлим чиқиб кетди.. Мен ҳеч қачон болаларимнинг отасиз қолишини истамайман. Хотиним билан ярашишга тайёрман. Ўйлайманки, оиламиз яхши бўлиб кетади. Ахир оила ҳаёти ҳамиша ҳам бир текис кечмайдику! Уни ҳеч нарсадан қийнаётганим йўқ. Болаларимга ўтган йилнинг апрель ойидан бошлаб қонуний равишда алимент тўлаб келяпман».

Бу сатрларни ўқиб гоҳ ачинасан, гоҳ аччиғланасан. Ахир гап биргина алиментдами? Ўртада меҳр деган нарса ҳам борку, ахир! Тағин оталик меҳри-я! Бу меҳр қанақа бўлишини ота дийдорига зор гўдаклардан сўрасангиз айтиб беришади. Воажаб, нақотки мурғак қалблар билган, оддий бир ҳақиқатни баъзан биз катталар унутиб қўйсак. Шу ўринда бир ибратли гапни эслашга тўғри келади: «Ҳеч ким никоҳдан ўтишга мажбурламайди, аммо ҳар қандай киши ҳам модомики, никоҳдан ўтган экан, никоҳ қонунларига бўйсунишга мажбур этилиши керак». Биз Мукамбар ва Абдуллалар бу доно сўзнинг маъзини яна бир бор чақиб кўришларини истардик. Чинакамига бахтли бўлмоқчи бўлган эр-хотин бир бировидан иллат эмас, олижаноб фазилатларни қидириш лозимлигини унутмасликларини истардик. Биз юқорида учратган, суҳбатлашган кишиларнинг кўпчилиги ҳам шунинг тарафдорларидир. Улар оиланинг бузилишини эмас, қайта тикланишини истаяпти.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

ФАЗЕНДА ИЖАРА ПУДРАТИДА

(Бир неча серияли роман)

ҚАТНАШАДИЛАР:

Леонсио Петрович — колхоз раиси.

Франсиско — бош бухгалтер.

Роза Чернова — бош агроном.

Тобиас — ёш мутахассис.

Альваро — банк бошқарувчиси.

Женуария — колхоз ошпази.

Изаура — колхозчи.

Оммавий саҳналарда студентлар ва шаҳарликлар иштирок этишади.

1-СЕРИЯ

Стол, телефон, шкаф, стул. Стулда Леонсио ўтиришибди.

ЛЕОНСИО (португалчасига): фазендамиз ҳар йили сигиримиздан 900 литрдан сут олади. Агар ҳоҳласам — яна битта сигир сотиб оламиз. Ҳоҳласам оламан, ҳоҳламасам йўқ. Ҳозирча бизга етади. Ҳаммаси мен истагандек бўлади.

Соқоли ўсган, жинси ва пиёма кийган Франсиско қўлида қалам билан кириб келади.

ФРАНСИСКО: Леонсио Петрович! Ёш мутахассисимиз Тобиас яна яккаю-ягона Изаурамизни ижара пудратида ишлашга ундаяпти! Энди нима бўлади?.. Ким сигиримизни соғади?!

ЛЕОНСИО (русча): Ҳаммаси мен истагандек бўлади. Ижара пудратига ўтишни эса мен хоҳламаяпман. Ҳоҳишим йўқ. Шунинг учун бўлмайди. Ҳеч қачон!!! (португал тилига ўтади) Сая!* Ҳаммаларингга сая!

2-СЕРИЯ

Изаура сигир соғяпти. Женуария унинг ёнида това ушлаб турибди.

ЖЕНУАРИЯ (рус тилида ифода билан): Менинг кичкинагина Изаурам, эҳтиёт бўл! Дарахт остида турма, ариқ сувидан ичма, шаҳар ошхоналарида овқатланма. Тобиас ва сигир билан ижара пудратига ўтсанглар яхши бўларди! Шунда анавиларнинг... ёйишига ҳеч нарса қолмасди...

У Изаурани челагини олиб кетади.

Оммавий саҳна: студентлар ва шаҳарликлар сигирни боқишга келишади.

3-СЕРИЯ

Стол ва икки стул. Стулларда Леонсио ва Тобиас ўтиришибди.

ТОБИАС (кавказчасига): Сигирингизни менга сотинг, унинг учун сабзавотларга кетадиган битта... иккита... ўн бешта рейсимни ҳам аямайман.

ЛЕОНСИО (рус тилида): Ҳаммаси мен хоҳлагандек бўлади. Ҳа. Худди шундай бўлади. Лекин менинг минг афсуслар бўлсинким, сигирни сотишга ҳеч қандай ваколатим йўқ. Сигир бу асосий фонд. Уни сотиш эса банк бошқарувчисининг рухсати билангина мумкин.

ЖЕНУАРИЯ (парда ортидан): Бу муттаҳам ёлғон гапиряпти! Сўнгги қарорларда кўрсатилишича, унга ҳамма нарса қилиш мумкин.

ТОБИАС: Менимча сиз сигирни яхши кўрасиз шекилли?

Леонсио иржаяди.

4-СЕРИЯ

Шинам жой. У ерда Роза ва Франсиско туришибди.

РОЗА (овозини пасайтириб): Мен Альворонинг Тобиасга ёзган хатини топиб олдим!

ФРАНСИСКО: Хўш, қизиқроқ ул-бул нарса бор эканми унда!

РОЗА: Ҳм. Ахир мен ўқишни билармидим?

ФРАНСИСКО: (овозини чиқариб ўқийди). Қонун сиз ва шаҳарликлар рус тилида сўкишишади.

5-сериясидан то 101-сериясигача Леонсио, Франсиско ва Роза ижара пудратига қаршилик кўрсатиб, турлича уриниш қилишади.

102-СЕРИЯ

Оилавий ферма. Тобиас, Изаура ва сигир.

ТОБИАС: Ахири биз бирмиз! Ишларимиз ҳам яхши, ойдинлигимиз ҳам Леонсионикига қараганда бирмунча кўпроқ...

ИЗАУРА: Фақат улар фермамизни яна қайтиб олиш маса бўлгани!

СИГИР: Худо кўрсатмасин!

Парда ортида Леонсио, Франсиско ва Розанинг «Оловни ёқ! Эшикни ёп! Одамларга ўхшаб яшашни хоҳлаб қолишипти!» деган гаплари эшитилиб туради.

103-СЕРИЯ

Тобиас Изаура ва сигирни қутқариб, ўзи эса...

104-СЕРИЯ

Изаура район марказига жўнайди.

105-СЕРИЯ

Изаура район марказига жўнайди.

106-СЕРИЯ

Район марказига етиб олади.

107-СЕРИЯ

Альваро Изаурани севиб қолади.

108-СЕРИЯ

Изаура Альваронни севиб қолади.

109-СЕРИЯ

Альваро мулки ва ишини ташлаб, қишлоққа кетади ва у ерда кооператив раиси бўлади.

110-СЕРИЯ

Роза сигирга бериладиган заҳарланган емни тасодифан еб қўяди ва ҳалок бўлади.

БАХТЛИ ХОТИМА

Русчадан Д. ЖАЛОЛОВ таржимаси.

* Сая — жавоб.

Шоир музейи

⊙ ТОШКЕНТ давлат музика билим юртида очилган Ҳамза музейи тарихий экспонатларга бой. Уларда оташин шоир ҳаёти ва ижодининг турли қирралари ҳақида ҳикоя қилинади. Музейга келаётганлар, шунингдек, билим даргоҳида саҳналаштирилган «Бой ила хизматчи» драмаси, «Майсаранинг иши» операсидан кўринишлар акс этган экспозициялар билан ҳам танишишмоқда.

С. ОДИЛОВА.

Шаҳримиздаги 83-мактабнинг тажрибали педагогларидан Тамара Исмонловна Маминова анча йилларидан буён ёш авлодга таълим беришда фаол меҳнат қилиб келаяпти. У знё масканида биринчилардан бўлиб олти ёшлилар группасини олган эди. Бу ўқувчилар ҳозир учинчи синфда ўқишяпти. Меҳрибон муаллима уларни ўқитиш билан бирга, уй-рўзғор юмушларини бажаришни ҳам ўргатиб боради. Ота-оналарининг яқин ёрдамчилари қилиб тарбиялашга катта аҳамият беради.

СУРАТДА: Т. Маминова меҳнат дарсида.

Р. Альбеков фотоси.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР...

«Ўзбекфильм» киностудияси ижодкорлари янги киноленталар устида иш олиб боришмоқда. Киностудия қошида ташкил этилган «Б-студия» («Дебют») номли ижодий уюшмада ҳам янги, замон руҳига мос асарлар экранлаштирилмоқда.

⊙ Ёш режиссёр Баҳром Ёқубов ўз ижодий группаси билан «Ёш ёзувчининг кундалиги» номли қисқа метражли бадиий фильм устида ишламоқда. Бу киноасар ёш замондошларимиз ҳаёти, уларнинг дунёқараши ҳақида ҳикоя қилади.

Асарнинг асосий қаҳрамонлари икки йигит Раим ва Саид. Улар бир-бирлари билан анчадан буён дўст бўлишса-да, йигитларнинг ҳар бири ўзича олам, ички дунёси турлича.

Раим зиёли ёшларимиздан бўлиб, журналистикага қизиқади, мақолалар ёзиб юради. Ҳаётга чуқур мулоҳаза билан назар ташлайди. Саидчи? У енгилтабиат, фақат бугунги кун билан яшовчи, кайфу сафони ёқтирувчи йигит...

Фильмдаги воқеалар Раимнинг онаси касал бўлиб қолганда, унинг дори қидириб овора бўлишидан бошланади. Ҳеч қаердан онаси учун дори тополмаган Раим, дўсти Саиднинг олдига келади. Улар биргалашиб дори қидиришади. Ана шу дори қидириш жараёнида асар воқеалари ривожланади...

Фильм сценарийсини режиссёрнинг ўзи ёзган. Воқеаларни оператор В. Бродянский лентага туширган.

Раимнинг онаси ролини Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова, Раим ролини истеъдодли актёр Беҳзод Муҳаммадкаримов ижро этмоқда. Саид образида эса биз ёш киноактёр Сайфулла Молдахоновни кўрамиз. Шунингдек, фильмдаги яна бир ролни Жавлон Ҳамроев ижро этмоқда.

Киноасар рассоми А. Маҳкамов, фильм директори Ш. Зуннунов.

⊙ «Ўзбекфильм» киностудиясининг режиссёри Зиновий Ройзман суратга олаётган уч серияли телевизион бадиий фильм «Ғалабанинг аччиқ тақдири» деб номланади. Георгий Вайнер, Леонид Славин, ҳамда Зиновий Ройзманлар ҳамкорлигида ёзилган бу сценарий турғунлик йилларида ички ишлар органларида содир бўлган қабиҳликлар, қотилликлар ва жиддий хатолар ҳақида ҳикоя қилади.

Оператор Леонид Травицкий лентага муҳрлаётган фильм воқеаларининг ривожланишига республикамиз областларидан бирининг жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи ўринбосарининг тўппончадан отиб ўлдирилиши сабаб бўлади.

Экран янгиликлари

Бу жиноят сабабини аниқлаш ва қотилни топиш учун милиция ходими Тўра Холматов бел боғлайди.

Қотилликни текшириш, аниқлаш жараёнида воқеалар содир бўлаётган жойдаги мафия ошкор бўлади...

Мазкур телевизион бадиий фильмда Наби Раҳимов, Мурод Ражабов, Ҳожиакбар Нурматов, Беҳзод Ҳамроев, Бадал Нурмуҳамедов, Жавлон Ҳамроев, Ўлмас Юсупов каби санъаткорлар суратга тушишмоқда.

Фильм рассоми С. Зиямуҳамедов, композитор Д. Яновский.

...МУЛЬТФИЛЬМЛАР

⊙ «Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги мультфильм ишлаётган муҳрлаётган фильм воқеаларининг ривожланишига республикамиз областларидан бирининг жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи ўринбосарининг тўппончадан отиб ўлдирилиши сабаб бўлади.

Бу жиноят сабабини аниқлаш ва қотилни топиш учун милиция ходими Тўра Холматов бел боғлайди.

Қотилликни текшириш, аниқлаш жараёнида воқеалар содир бўлаётган жойдаги мафия ошкор бўлади...

Мазкур телевизион бадиий фильмда Наби Раҳимов, Мурод Ражабов, Ҳожиакбар Нурматов, Беҳзод Ҳамроев, Бадал Нурмуҳамедов, Жавлон Ҳамроев, Ўлмас Юсупов каби санъаткорлар суратга тушишмоқда.

Фильм рассоми С. Зиямуҳамедов, композитор Д. Яновский.

...МУЛЬТФИЛЬМЛАР

⊙ «Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги мультфильм ишлаётган Александр Боракин сценарийси асосида янги — «Музлик» деб номланувчи мультфильм суратга олинмоқда. Қатор йиллардан буён бирлашмада ижод қилиб келаётган Валерий Жирнов режиссёрлик қилаётган бу мультлентада ибтидоий тузумдаги ҳаёт ҳикоя қилинсада, ундаги айрим воқеаларнинг бугунги кунимизга ҳам рамзий боғлиқлигига ишора қилинади.

СУРАТДА: янги мультфильмдан кўриниш.

Фильмда яхши ниятли кишиларни асролмаган халқдан табиат ҳам ранжиши, қасдини олиши таъкидланади..

Бу мультипликацион лентани Владимир Никитин суратга олмоқда, рассом Ольга Тяжёлова.

⊙ «Тоҳир ва Зуҳра» эртагини эшитмаган, ўқимаган китобхон деярли бўлмаса керак. Маълумки, бу эртак асосида 1945 йили таниқли кинорежиссёр Наби Раҳимов томонидан тўламетражли бадиий фильм суратга олинган бўлиб, бу асар шу кунгача томошабинлар эътиборидан тушган эмас.

Икки ёш — Тоҳир ва Зуҳраларнинг бир-бирига нисбатан бўлган муҳаббати, севгиси ҳақида, бу соф муҳаббатнинг қандай тўсиқларга учраганликлари ҳақида тўхталиб ўтириш ортиқча бўлса керак.

Яқинда «Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги мультбирлашмада ана шу эртак асосида режиссёр Ирина Кривошеева қўғирчоқ фильмни суратга олмоқда. В. Никитин сценарийси асосида яратилаётган бу янги қўғирчоқ фильм бирлашмада илк бор кенг экранга мўлжалланмоқда.

Оператор В. Никитин, рассом Э. Изетов ва бошқа ижодкорларнинг ҳамкорлигида суратга олинаётган ушбу мультипликацион кинолента томошабинларга манзур бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

СУРАТДА: «Тоҳир ва Зуҳра» мультфильмидан лавҳа.

Р. БЕРДИЕВ.
В. Бахтаев фотолари.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми» газетасининг навбатдаги сони 28 апрелда чиқади.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Реклама ва эълонлар

Мутахассислар ва китобсеварлар диққатига!

«ТАШКНИГА» шаҳар китоб савдоси идорасининг

17-«ОБУНА НАШРЛАРИ» МАГАЗИНИ

(ЎзССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй)

ҚУЙИДАГИ ОБУНА НАШРЛАРИГА ОБУНА ЎТКАЗАДИ

— **«НАФАС АЪЗОЛАРИНИНГ КАСАЛЛИКЛАРИ»**, 4 томлик. Бай ҳақи — 2 сўм.

— **К. СТАНИСЛАВСКИЙ.** Асарлар тўплами, 3 томлик. Бай ҳақи — 2 сўм.

— **Р. ДЕКАРТ.** Асарлар тўплами, 2 томлик. Бай ҳақи — 2 сўм.

— **ТИТ ЛИВИЙ.** «Рим шаҳрининг барпо этилгандан буёнги тарихи», 3 томлик. Бай ҳақи — 3 сўм.

— **«СОЦИАЛИСТИК ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР ТАРИХИ»**, 7 томлик. Бай ҳақи — 2 сўм.

— **«ҚАДИМГИ РУС ТИЛИ ЛУҒАТИ»**, 10 томлик. Бай ҳақи — 3 сўм.

— **Л. КУЛЕШОВ.** Асарлар тўплами, 3 томлик. Бай ҳақи — 1 сўм.

ОБУНАЧИЛАРГА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ТОМЛАРИ БЕРИЛАДИ:

— **ҲАЙВОНЛАР ҲАЕТИ**, 2 том.

— **ФАНТАСТИКА КУТУБХОНАСИ**, 12-китоб (4-том, В. Беляев).

— **ЁШ ОИЛА КУТУБХОНАСИ**, 20 томлик — 16, 17-китоблар.

— **ЎҚИТУВЧИ КУТУБХОНАСИ**, 13, 14-китоблар (А. Чехов, Н. Чернишевский).

— **БУТУНЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАРИХИ**, 5-том.

— **К. УШИНСКИЙ**, 3-том.

— **КАТТА МЕДИЦИНА ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ.** Кўрсаткич.

— **СССР ҚОНУНЛАР МАЖМУАСИГА ҚАЙТА ТИКЛАНГАН МАТЕРИАЛ** (5 та қўшимча).

— **ЎзССР ҚОНУНЛАР МАЖМУАСИГА ҚАЙТА ТИКЛАНГАН МАТЕРИАЛ** (3 та қўшимча).

Магазиннинг букинистик бўлимида санъатга оид альбомлар ва турли бадиий адабиётлар савдода мавжуд.

Справкалар учун телефон — 44-57-41.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА ҚАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ГОСКОМТРУД УЗССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГИПРОРИБХОЗ» институтининг

ЎРТА ОСИЕ БЎЛИМИГА

бош мутахассис-электрчи, водопровод ва канализация бўйича бош мутахассис, бош мутахассис-қурувчи, иссиқлик техникаси бўйича етакчи инженер, архитектор, водопровод ва канализация бўйича катта инженер, инженер-топограф.

«УЗСПЕЦАВТОМАШИНА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инженер, сметашартнома ишлари бўйича инженер, техника бўлими инженери, қўриқлаш-ўт ўчириш сигнализация монтажчилари.

«РЕЛЕ ВА АВТОМАТИКА» ЗАВОДИГА

металл бўйича слесарлар, комплектловчилар, қалайловчилар, слесарь-асбобсозлар, инженер-технологлар, вентиляция бўйича конструктор, юк кўтариш механизмлари бўйича конструктор, пайвандловчилар.

«ТОШКЕНТ» ЭКСПЕРИМЕНТАЛ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

слесарь-асбобсозлар, фрезерчилар, токарлар, механика йиғув ишлари слесарлари, гардеробчилар, омборчилар.

ИИҒМА-КОНСТРУКЦИЯЛАР ЗАВОДИ

план бўлими иқтисодчиси, қозонхона бошлиғи, темирбетон буюмлари, ёғочсозлик, керамзит-бетон цехларининг мастерлари, механик, вахтёрлар.

СПРАВКАЛАР ВА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Космонавтлар проспекти, 6-уй.
Акмал Икромов район пункти — Фарҳод кўчаси, 21-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Сергели район пункти — «Спутник» массиви, 2-квартал, 69-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.
Чилонзор район пункти — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.

Реклама ва эълонлар

Марказий универмаг таклиф қилади

Байрам арафасида ташвишларимиз айниқса кўпайиб кетади — қандай таом тайёрлаш, дастурхонни қандай безаш, қайси либосни кийиш, тантана қувноқ ўтиши учун нималар қилиш кераклиги ҳақида ўйлаш лозим — буларсиз байрамни тасаввур этиб бўлмайди.

ШАҲРИМИЗНИНГ МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ СИЗЛАРНИ БАЙРАМОЛДИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Куйловчи ликобчалар

Эҳтимол сизга Висоцкий ва Розенбаум қўшиқлари ёзилган пластинкалар, эҳтимол Ватанимизнинг ва чет мамлакатларнинг машҳур рок-группалари «Форум», «Круиз», «Роллинг Стоунз», «Лед Зеппелин» ижросидаги рок-музика ёки «Садо» ва «Ялла» жаз-ансамбларининг қўшиқлари манзурдир.

Марказий универсал магазинда авторлик қўшиқлари, Лайма Вайкула, Ротару, Зайнаб Хонларова, Шерали Жўраев каби таниқли эстрада хонандаларининг қўшиқлари, рок-музика ёзилган талайгина пластинкалар бор. Болалар учун «Хоттабич», «Чақмоқтош», «Чипполинонинг саргузаштлари» ёзувлари ҳам мавжуд.

Бурма ҳошияли дарпардалар

Бурма ҳошияли ёки тўрли, кашта тикилган ва сидирға, шокилали ва жиякли оқ пардалар хонани ёруғ қилиб кўрсатади, унга байрам руҳини бағишлайди. Магазинда ҳар хил босма гулли, шунингдек пардабоп газламалар — сунъий шойи, зиғирпоя толаси ва ип-газламадан тикилган пардалар бор. Тайёр пардаларнинг баҳоси 17 сўмдан 144 сўмгача туради. Пардабоп газламаларнинг баҳоси 1 сўм 10 тийиндан 7 сўм 30 тийингача.

ЧИРОЙЛИ ДАСТУРХОНСИЗ БАЙРАМ ЗИЁФАТИНИ ТАСАВВУР ЭТИБ БЎЛМАЙДИ.

Марказий универсал магазиндан ҳатто катта хонтахталар учун ҳам дастурхон танлашингиз мумкин.

Соф зиғирпоя толасидан ёки зиғирпоя толаси қўшиб тикилган, жаккард расмли ва катак-катак дастурхонлар шулар жумласидандир. Уларнинг катталиги — 110x140, 150x175, 150—100 сантиметр. Баҳоси 4 сўм 35 тийиндан 8 сўм 60 тийингача. Уларни Белоруссия, Украина ва РСФСР корхоналари ишлаб чиқарган.

МАЗАСИ ОҒИЗДА ҚОЛАДИ

Агар сиз ҳар хил пиширириқлар учун махсус қолипларни сотиб олсангиз, меҳмонларингизни мазаси оғизда қоладиган ёнғоқли, майизли ва бошқа ширинликлар билан сийлашингиз мумкин бўлади. Паспорт-қўлланмаларда хамир тайёрлаш йўл-йўриқлари ҳам кўрсатилган. Баҳоси 3 сўм 25 тийиндан 6 сўмгача.

БАЙРАМ ТАОМЛАРИ УЧУН

Байрам таомларини сиз қуйидаги махсус мосламалардан фойдаланиб тайёрлашингиз мумкин:

«табака» жўжа, гўштли ва сабзавотли таомлар тайёрлаш учун махсус товадан (баҳоси 6 сўм); сабзавот ва мевалардан таом тайёрлаш учун олти предметдан иборат (пичоқлари ва уларга қурамалари) тўғрагичлар термасидан. Уларнинг ёрдамида масаллиқларни ҳар хил шаклда тўғраш мумкин. Баҳоси 9 сўм;

механик оқсил, мусс, крем ийлагичлардан. Баҳоси 4 сўм.

МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГ.

Биринчи Майга!

АРЗИМАГАН СОВҒА ҲАМ ОДАМЛАРГА ОЛАМ-ОЛАМ ҚУВОНЧ БАҒИШЛАЙДИ. СОВҒА — ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОР РАМЗИДИР.

Сизларни мана шу байрам арафаси кунлари қизғин савдо қилаётган ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИнинг бўлимларига таклиф қиламиз.

Универмагнинг 3-қаватида кенг ассортиментда ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ТАЙЕР КИЙИМЛАРИ бор.

Оригинал гулли крепдешин ва ип-газламадан тикилган КЎЙЛАКЛАР шулар жумласидан. Размери 44 дан 48 гача.

Майда қора гулли пушти, феруза ва сарғиш газламалардан тикилган ХУШБИЧИМ КОСТЮМЛАР бор. Размери 44—48.

Сидирға, бел қисми бурмали ЮБКАЛАР бор. Размери 48.

Либоснинг одми кўринишини маъқул кўрувчи хотин-қизлар учун КРИМПЛЕН КОСТЮМЛАР (юбкаси тўғри бичилган, пиджаги узун енгли, ранги тўқ ҳаворанг, жигарранг, қора) бор.

Шу учинчи қаватнинг ўзида эркакларга совғалар харид қилса ҳам бўлади.

СИЗ ШУ ЕРДАН:

узун ва калта енгли, размери 42 дан 52 гача бўлган кўйлакларни сотиб олишингиз мумкин. Кўйлаклар катак-катак, йўл-йўл, сидирға (зангори, пушти, оч жигарранг, ҳаворанг, жигарранг) газламалардан тикилган. Кўйлаклар модали планкалар, погонлар билан безатилган. Қўқон тикувчилик фабрикасининг маҳсулоти.

Мода мухлислари чиройли, қалин, жимжимали сидирға ва йўл-йўл матодан тикилган қуёштўсқич шляпаларни баҳолашлари мумкин. ГДРда ишлаб чиқарилган.

Адрес: Ш. Руставели кўчаси, 53. Иш вақти — соат 10 дан 20 гача, танаффуссиз ишлайди. Дам олиш куни — якшанба.

Транспорт: 50, 80, 97, 94-автобусларнинг, 13, 14, 16, 26-троллейбусларнинг, 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайларнинг «Театральная» бекати.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

28 апрель соат 19.30 да

Концерт

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти
ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист
ФАТТОҲОН МАМАДАЛИЕВ

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети қошидаги

Юнус Ражабий номли мақомчилар ансамбли солистлари:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
ИСМОИЛЖОН ВА ИСРОИЛЖОН ВАҲОБОВЛАР, ҲАСАН РАЖАБИЙ, ҲУРРИЯТ ИСРОИЛОВА.

Республика мақомчилар конкурсларининг лауреатлари:
РАҲМАТЖОН ҚУРБОНОВ, МАҲМУД ТОЖИБОЕВ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида сотилмоқда.

КИНОЧИЛАР УЙИДА

28, 29 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА

«ВОАЖАБ ЁКИ ШУМ БОЛА ҚАЙТА ҚУРАДИ»

театрлаштирилган эстрада томошаси.

Муаллиф — Ф. МУСАЖОНОВ.

ҚАТНАШУВЧИЛАР: Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист **Шуҳрат РАСУЛОВ**, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати **Гавҳар АМИНОВА.**

АРТИСТЛАР: Шуҳрат РУЗИОХУНОВ, Аброл ХУЖАЕВ, Абдураким АБДУВАҲОБОВЛАР.

ХОНАНДА ВА МАШШОҚЛАР: Фазлиддин ва Бадриддин ХОЛМУРОДОВлар, Фарҳод ва Баҳром ПИРМАТОВлар, Абдуваҳоб НИЁЗОВ ҳамда Забихулло ҚУРБОНОВлар.

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Шуҳрат РАСУЛОВ.**

Билетлар Киночилар уйи кассасида соат 14.00 дан бошлаб сотилади.

«НАФОСАТ» музикали театр-студияси.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Анна Каренина.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Ҳазрати аёл** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/IV да **Тошболта ошиқ** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Драма актёрлари куйлайди** (19.30).

Кино

26 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ФИРОҚ ДАМЛАРИ» (катта зал; 18.30, 20.45); «ТЎРТ ОҒАЙНИ» (кичик зал, 17,19.30).

Дружба — «ТИМСОҲ» ЛАҚАБЛИ ДАНДИ» (ҳар соатда).

Нукус — «ФИРОҚ ДАМЛАРИ» (18.30, 20.45).

Москва — «ТИМСОҲ» ЛАҚАБЛИ ДАНДИ» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Восток — «ТИМСОҲ» ЛАҚАБЛИ ДАНДИ» (17.30, 21.00).

Чайка — «ТАНИШУВ» (18.30); «ИФ ҚАЛЪАСИНИНГ МАҲБУСИ» (21.00).

Лисунов номли — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (тоқ соатларда).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (жуфт соатларда).

Ватан — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ФИРОҚ ДАМЛАРИ» (18.30, 21.00).

27 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ФИРОҚ ДАМЛАРИ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45); «ТЎРТ ОҒАЙНИ» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Дружба — «ТИМСОҲ» ЛАҚАБЛИ ДАНДИ» (ҳар соатда).

Нукус — «ФИРОҚ ДАМЛАРИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Москва — «ТИМСОҲ» ЛАҚАБЛИ ДАНДИ» (11, 13, 15.00); «ҚОРА ОЙ»НИНГ ЧИҚИШИ» (17, 19, 20.40).

Восток — «ТИМСОҲ» ЛАҚАБЛИ ДАНДИ» (14, 17.30, 21.00).

Чайка — «ҚОРА ОЙ»НИНГ ЧИҚИШИ» (10.30, 12.20, 14.10, 16, 17.50, 19.40); «ИФ ҚАЛЪАСИНИНГ МАҲБУСИ» (21.30).

Лисунов номли — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (тоқ соатларда).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (жуфт соатларда).

Ватан — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ФИРОҚ ДАМЛАРИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00); «ҚОЧОҚЛАР» (жуфт соатларда).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:

М. Шайхзода номли — 42-39-74
С. Раҳимов номли — 48-46-71
Ҳамза — 91-10-51
Тинчлик — 53-34-88
Искра — 39-14-59.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; ижтимоий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54-15; «Ташкентская неделя» рекламалар илова — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.

Р—01186. Ички саҳифаларга 18.00 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. 2106. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10